

378(074)  
K25

**КАРИМОВА МАХСУДА**

**ҲАРБИЙ-ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН  
САЛОҲИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ – КАСБИЙ  
ЕТУКЛИК ОМИЛИ СИФАТИДА**

**ТОШКЕНТ**

М.Каримова. Ҳарбий-педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш – касбий етуклик омили сифатида. Т.: «Fan va texnologiya», 2010, 52 бет.

Мазкур методик қўлланмада ҳарбий-педагог кадрларнинг инновацион салоҳияти, унинг тузилиши, мазмуни, ўзига хосликлари ҳамда тизимли ёндашув асосида ҳарбий-педагог кадрлар педагогик маҳоратини оширишнинг амалий-технологик жиҳатлари ёритиб берилган.

Қўлланма олий ҳарбий билим юртлари профессор-ўқитувчилари ва методистлари ҳамда малака ошириш курси тингловчилари учун мўлжалланган. Шу билан бирга, мазкур методик қўлланмадан педагогика соҳасида фаолият юритувчи барча мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

**Масъул муҳаррир:** К.Ҳошимов - профессор

**Тақризчилар:** Ф.Юзликаев - педагогика фанлари доктори, профессор;  
Ш.Мардонов - педагогика фанлари доктори, профессор

ЕШ\* 978-9943-10-343-6

РИГ

T1

«Fan va texnologiya» нашриёти, 2010.

## СЎЗ БОШИ

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таълим тизимининг «Юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазибаларни илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга»<sup>1</sup> йўналтирилиши алоҳида таъкидлаб ўтилган. Мазкур талаб олий ҳарбий билим юртларида педагогик фаолият билан шуғулланаётган офицер-ўқитувчиларнинг педагогик малакасини узлуксиз ошириб боришни шарт қилиб қўяди.

Мутахассис шахсини яхлит тарзда шакллантиришга қўйилган талаблар, айниқса, ҳарбий педагог-кадрларнинг касбий маҳоратларини такомиллаштиришда долзарб аҳамият касб этади. Негаки, ҳарбий педагог кадр ҳам офицер, ҳам ҳарбий билим юртида тахсил олаётган курсант учун устоз сифатида гавдаланади.

Республикамизда ҳарбий педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларига кенг эътибор қаратилган. Бироқ фақат маълум вақт оралиғидаги қисқа курслар доирасида доимий равишда ўзгаришлар, янгиланишлар билан бойиб борадиган педагогик фаолиятнинг самарадорлиги тўлиқ таъминланмайди. Педагогик фаолиятда юзага келадиган янгиланган самарали ўзлаштиришнинг ва амалиётга жорий этишнинг муҳим воситаларидан бири ҳарбий педагог-кадрларнинг инновацион салоҳиятини оширишдир.

Педагогика ва педагогик менежментда инновацион салоҳият тушунчаси икки хил тарзда талқин этилади: кенг маънода - таълим муассасасининг инновацион салоҳияти, тор маънода - ўқитувчининг инновацион салоҳияти, Таълим муассасасининг инновацион салоҳияти деганда, унинг ўз-ўзини ривожлантиришга тайёрлиги, шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш учун маданий-таълимий муҳитнинг ва шарт-шароитларнинг хилма-хиллиги ҳамда коммуникатив муносабатларнинг юқори дара-

<sup>1</sup> Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури // Баркамол авлод - Ўзбекистан тараққиғининг пойдевори. - Т.: «Шарк», 1997. - Б. 34.

жаси тушунилади. Алоҳида педагог учун эса *Оу* - унинг шах-  
\_сидаги ижтимоий-маданий вэ ижодий ўзига хосликлар йигин-  
диси, педагогик фаолиятни такомиллаштиришга тайёрлиги  
ҳамда бунинг учун зарурий ички восита ва методларнинг мав-  
жудлигидир<sup>1</sup>.

Олий ҳарбий билим юртларидаги инновацион салоҳият -  
инновацион жараённинг муҳим шарт сифатида қаралиб, уч  
таркибий қисмни ўз ичига қамраб олади: олий ҳарбий билим  
юрти педагогик жамоасининг инновацион салоҳияти, ижо-  
дий гуруҳларнинг инновацион салоҳияти ҳамда алоҳида  
(конкрет) ҳарбий педагогнинг инновацион салоҳияти.

Олий ҳарбий билим юртларидаги инновацион салоҳиятни  
ривожлантириш динамик тавсифга эга бўлиб, ички(субъектив)  
ва ташқи (объектив) омиллар таъсирида юзага чиқади. Ана шу  
сабабли ҳарбий педагог-кадрларнинг малакасини ошириш  
воситаси сифатида инновацион салоҳиятни ривожлантиришга  
таъсир этувчи ички ва ташқи омилларнинг аҳамиятини ҳисобга  
олиш муҳим аҳамиятга эга. Педагогик инноватика ва инно-  
вацион менежментга дойр тадқиқотлар ва адабиётлар таҳлиliga  
асосланиб, биз олий ҳарбий билим юртлари педагог-кадр-  
ларининг инновацион салоҳиятни ривожлантиришга тўсқинлик  
қилувчи қуйидаги омиллар мавжудлигини аниқладик:

1) новация (янгиликлар)нинг фойдаланувчиларга тушу-  
нарли бўлмаслиги;

2) агар таклиф қилинган янгиликни жорий қилиниши кўп  
куч ни талаб қилса-ю, ўқитувчиларнинг эса имкониятлари  
чекланган бўлса, бу ҳолат янгиликни ўзлаштиришни тўхтатиш  
омили бўлиши мумкин;

3) субъект томонидан янгиликни ўзлаштириш учун етарли  
даражада мотивациянинг мавжуд эмаслиги;

4) янгиликларни қабул қилишга нисбатан қаршилик ва  
унинг очик намоён бўлмаслиги кабилар.

Ўқитувчиларни тайёрлаш ва ўқитувчилик касбининг ижти-  
мой моҳияти, ёш ўқитувчиларнинг касбда ва жамятда мос-

**Волчкова А.П. Управление инновационным процессом в современной школе: органициационно-педагогический аспект: дисс. ... канд.пед.наук. - М.: 1999.-С.101.**

лашуви муаммоларининг турли жихдлари АВ.Мудрик, Ф.Р.Юз-  
ликаев, А.Г.Мороз, В.Н.Введенский, Ю.И.Кривов, Ф.А.Таран-  
тей, А.Тесленко, Н.Шепилова, Н.М.Уринова, Б.Р.Рахимов,  
О.Ҳайдарова кабилар томонидан ўрганилган ва зарурий хуло-  
саларга келинган.

Бевосита педагог кадрлар малакасини оширишнинг назарий-  
методологик, ташкилий-педагогик асослари, бу жараённи таш-  
хис асосида ташкил этишнинг умумий жихатлари ҳамда янги  
таълимий кадриятлар билан боғлиқлиги К.З.Зарипов, Ж.Ф.Йўл-  
дошев, Ш.Қ.Мардонов, Б.Р.Адилов, А.Аминов, А.Гулбоевлар-  
нинг ишларида тадқиқ қилинган.

Таълим ислохотлари шароитида касб-хунар коллежлари  
ўқитувчилари малакасини ошириш шакллари ва таъсирчан ме-  
тодлари Б.С.Нуриддинов, С.Ф.Ражабова, М.Дехқоноваларнинг  
тадқиқотларида; умумтаълим мактаблари ўқитувчилари мала-  
касини ошириш Ш.Саидкулов, Т.Умнаткулов, А.Аминов, Ш.Ма-  
жидова кабиларнинг ишларида тадқиқ этилган.

Ҳарбий педагогика ва ҳарбий педагог-кадрлар тайёрлаш  
масалалари А.М.Қамбаров, С.Каримбердиев, А.Д.Раджабоев,  
А.Сотиболдиев, А.Каримжонов, У.Темирова, Н.Зайниддинова,  
Н.В.Хукина, А.В.Барабанхикова, А.К.Букова, И.Ф.Вудрина,  
В.А.Солоницуна, А.В.Паврозина, Г.А.Шабанова, С.П.Желто-  
брюх, В.П.Врачинский кабиларнинг илмий изланишларида ўз  
аксини топган.

Ўқитувчиларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш  
масаласи эса Р.Ш.Ахлиддинов, У.Иноятлов, С.Тургунов, А.Д.Дё-  
мин, Л.М.Плахова, Т.И.Кравченко, А.А.Тихомиров, Л.М.Деня-  
кина, Л.А.Волчок, С.В.Корсаков, С.В.Герасименко, Г.Г.Шек,  
О.Л.Назарова, А.Л.Волчковаларнинг бошқарув назариясига дойр  
тадқиқотларида ҳамда М.Жуманиёзова, Д.Юнусова кабилар-  
нинг ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашга дойр  
ишларида умумий тарзда баён этилган.

Бироқ олий ҳарбий билим юртлари педагог-кадрларининг  
инновацион салоҳиятини ривожлантириш орқали малакасини  
ошириш муаммосини тадқиқ этилмаганлиги мазкур соҳада  
алоҳида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо эта-  
ди.

жаси тушунилади. Алоҳида педагог учун эса бу - унинг шахсидаги ижтимоий-маланий ва ижодий ўзига хосликлар йиғиндиси, педагогик фаолиятни такомиллаштиришга тайёрлиги ҳамда бунинг учун зарурий ички восита ва методларнинг мавжудлигидир<sup>1</sup>.

Олий ҳарбий билим юртларидаги инновацион салоҳият - инновацион жараённинг муҳим шарт сифатида қаралиб, уч таркибий қисми ўз ичига қамраб олади: олий ҳарбий билим юрти педагогик жамоасининг инновацион салоҳияти, ижодий гуруҳларнинг инновацион салоҳияти ҳамда алоҳида (конкрет) ҳарбий педагогнинг инновацион салоҳияти.

Олий ҳарбий билим юртларидаги инновацион салоҳиятни ривожлантириш динамик тавсифга эга бўлиб, ички(субъектив) ва ташқи (объектив) омиллар таъсирида юзага чиқади. Ана шу сабабли ҳарбий педагог-кадрларнинг малакасини ошириш воситаси сифатида инновацион салоҳиятни ривожлантиришга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларнинг аҳамиятини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Педагогик инноватика ва инновацион менежментга дойр тадқиқотлар ва адабиётлар таҳлилига асосланиб, биз олий ҳарбий билим юртлари педагог-кадрларининг инновацион салоҳиятни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи қуйидаги омиллар мавжудлигини аниқладик:

1) новация (янгиликлар)нинг фойдаланувчиларга тушунарли бўлмаслиги;

2) агар таклиф қилинган янгиликни жорий қилиниши кўп кучни талаб қилса-ю, ўқитувчиларнинг эса имкониятлари чекланган бўлса, бу ҳолат янгиликни ўзлаштиришни тўхтатиш омили бўлиши мумкин;

3) субъект томонидан янгиликни ўзлаштириш учун етарли даражада мотивациянинг мавжуд эмаслиги;

4) янгиликларни қабул қилишга нисбатан қаршилик ва унинг очик намён бўлмаслиги кабилар.

Ўқитувчиларни тайёрлаш ва ўқитувчилик касбининг ижтимоий моҳияти, ёш ўқитувчиларнинг касбда ва жамятда мос-

лашуви муаммоларининг турли жиҳатлари А.В.Мудрик, Ф.Р.Юзликаев, А.Г.Мороз, В.Н.Введенский, Ю.И.Кривов, Ф.А.Тарантей, А.Тесленко, Н.Шепилова, Н.М.Уринова, Б.Р.Рахимов, О.Ҳайдарова кабилар томонидан ўрганилган ва зарурий хулосаларга келинган.

Бевосита педагог кадрлар малакасини оширишнинг назарий-методологик, ташкилий-педагогик асослари, бу жараённи таҳис асосида ташкил этишнинг умумий жиҳатлари ҳамда янги таълимий кадрлар билан боғлиқлиги К.З.Зарипов, Ж.Ф.Йўлдошев, Ш.Қ.Мардонов, Б.Р.Адизов, А.Аминов, А.Гулбоевларнинг ишларида тадқиқ қилинган.

Таълим ислохотлари шароитида касб-хунар коллежлари ўқитувчилари малакасини ошириш шакллари ва таъсирчан методлари Б.С.Нуриддинов, С.Ф.Ражабова, М.Дехдоноваларнинг тадқиқотларида; умумтаълим мактаблари ўқитувчилари малакасини ошириш Ш.Саидкулов, Т.Уматкулов, А.Аминов, Ш.Маждова кабиларнинг ишларида тадқиқ этилган.

Ҳарбий педагогика ва ҳарбий педагог-кадрлар тайёрлаш масалалари А.М.Қамбаров, С.Каримбердиев, А.Д.Раджабоев, А.Сотиболдиев, А.Каримжонов, У.Темирова, Н.Зайниддинова, Н.В.Хукина, А.В.Барабанхикова, А.К.Букова, И.Ф.Вудрина, В.А.Солоницуна, А.В.Паврозина, Г.А.Шабанова, С.П.Желтобрюх, В.П.Врачинский кабиларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Ўқитувчиларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш масаласи эса Р.Ш.Ахдиддинов, У.Иноятов, С.Турғунов, А.Д.Дёмин, Л.М.Плахова, Т.И.Кравченко, А.А.Тихомиров, Л.М.Денякина, Л.А.Волчок, С.В.Корсаков, С.В.Герасименко, Г.Г.Шек, О.Л.Назарова, А.П.Волчковаларнинг бошқарув назариясига дойр тадқиқотларида ҳамда М.Жуманиёзова, Д.Юнусова кабиларнинг ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашга дойр ишларида умумий тарзда баён этилган.

Бироқ олий ҳарбий билим юртлари педагог-кадрларининг инновацион салоҳиятини ривожлантириш орқали малакасини ошириш муаммосини тадқиқ этилмаганлиги мазкур соҳада алоҳида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

<sup>1</sup> Волчкова А.П. Управление инновационным процессом в современной школе: организационно-педагогический аспект: дисс. ... канд.пед.наук. - М: 1999.-С.101.

## **1. Инновацион салохият - ҳарбий педагог кадрларнинг малакасини ошириш омили сифатида**

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришганлиги барча соҳаларда, жумладан, Қуролли Кучларда ҳам ислохотлар заруратини юзага келтирди. Қуролли Кучларнинг ташкилий даврида Қуролли Кучлар ташкилий-штат тузилиши такомиллаштирилди ва унга мувофиқ ҳарбий қисмлар, муассасалар ва ҳарбий укув юртлари ислох қилинди, ҳарбий билим юртлари тармоқларини кенгайтириш ва Қуролли Кучлар Академиясини барпо этиш ҳисобига миллий кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизими яратилди, Қуролли Кучлар вазифаларига биноан ҳарбий хизматчилар барча тоифасининг таълим жараёни яхшиланди, минтақадаги геостратегик вазият ва ҳарбий-сиёсий ҳолат ҳисобга олиниб, қўшинларни жойлаштириш тизими такомиллаштирилди. Бу - давлат чегараларини ҳамда халқимиз манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш имконини яратди, натижада замон талабига жавоб бера оладиган қўшинларни барқарор бошқариш тизими барпо этилди, Ҳарбий хизматни ташкил этишнинг инфратузилмаси яратилди, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида», «Мудофаа тўғрисида»ги Қонунлари, 1996 йилда Умумҳарбий Низомларнинг қабул қилиниши билан Қуролли Кучларнинг ҳуқуқий базаси яратилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда мудофаа вазирлигининг Тошкент умумқўшин командирлари, Самарканд автомобилчи командир-муҳандислар, Чирчиқ олий танк командир муҳандислар, Жиззах авиация олий ҳарбий билим юртларида, Тошкент ахборот технологиялари институтининг алоқа факультета, Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий техника билим юрта, Ёнгин хавфсизлиги олий техника мактабида, округлардаги сержантлар тайёрлаш мактабларида Қуролли Кучлар сафларига турли мутахассисликлар бўйича малакали Кадрлар тайёрланмоқда<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси энциклопедия / Бош таҳрир хайъати А.Азизхўжаев. - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриети, 2006. - Б. 218-219.

Бироқ республикаимиз ҳарбий таълим тизимида ҳозирги кунда олий ҳарбий билим юртлари учун педагогик кадрлар тайёрловчи курс ёки қандайдир факультетлар мавжуд эмас. Ҳарбий кафедралар учун педагоглар тайёрлаш ҳарбий билим юртлари услубий кенгашлари зиммасига юклатилган. Ана шу мақсадда педагогик маълумотга эга бўлмаган ва ўқитувчи лавозимига биринчи марта тайинланган офицерлар бир йил давомида белгиланган тартабда фуқаролик олий таълим муассасаларида касбий қайта тайёргарлик ва малака ошириш учун жўнатилиб, курсантлар бўлинмаларига командир ва ўқитувчи лавозимига тайинланган офицерлар билан олий ҳарбий билим юрта раҳбарининг рухсати асосида йигинлар (конференция, семинарлар) ўтказиш ва уларда психология, педагогика масалалари ва ўқув-тарбиявий жараённи ташкил этишга ўргатилади.

Бироқ Қуролли Кучлар сафларига турли мутахассисликлар бўйича малакали кадрлар тайёрлаш олий ҳарбий билим юрта профессор-ўқитувчиларининг билим, кўникма ва малакаларини, умумий ва педагогик маданиятини мунтазам равишда ошириб бориш, янгиликларни доимий равишда ўзлаштириш, ўз педагогик фаолиятида уларни амалиётга жорий этиб бориш учун уларнинг инновацион салохиятини ривожлантиришни муҳим вазифа сифатида шарт қилиб қўяди.

Маълумки, бугун барча давлатлар таълимга имкон қадар кўп янгилик киритишга интилоқда. Бугунги янгиликлар уларга уюшган, режали, оммавий ёндашувни талаб этади. Янгиликлар келажак учун узок муддатли инвестициялардир. Новаторликка қизиқиш уйғотиш, янгилик яратишга интилувчан шахсни тарбиялаш учун таълимнинг ўзи янгиликларга бой бўлиши, унда ижодкорлик руҳи ва муҳити ҳукм суриши лозим. Таълим худди глобал жамоатчилик тизимининг асоси сифатида жамиятда бўлаётган барча ўзгаришларни ҳисобга олиши, шунингдек, ўзининг тузилиши ва фаолият мазмунини ўзгартириши керак бўлади. Таълим ҳам жамоатчилик вазифасини бажарувчи сифатида жамиятдаги ўзгаришлар билан уйғун бўлиши ва жамиятдаги ўзгариш ва ривожланишга ўз таъсирини ўтказа олиши

лозим. Бироқ жамият ва таълим ўртасидаги муносабат мураккаб шаклга эга бўлиб, юқори даражадаги жўшқинлик билан тавсифланади. Ана шу асосдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, таълимдаги ўзгаришлар фақатгина натижа сифатида эмас, балки жамиятнинг келгусидаги ўзига хос ривожланиши шарт тарзида юзага чиқади.

Сўнгги йилларда таълим муассасаларининг ривожланиш жараёнини ўрганганимиз ва янги таълим амалиётини яратишга йўналтирилган педагогиканинг алоҳида соҳаси сифатида педагогик инноватика фани юзага келди. Педагогик инноватиканинг мақсади педагогик янгилликларни яратилиши, уларнинг баҳоланиши ҳамда педагоглар жамоаси томонидан ўзлаштирилиши, шу билан бирга уни амалиётда қўллаш ва фойдаланиш йўллари тадқиқ этишдан иборат. Ана шу асосдан келиб чиқиб, янгилликларни яратиш, ўзлаштириш ва кенг оммага тарқатишни педагогик инноватиканинг предмети сифатида қабул қилиш мумкин.

Ҳозирги кунда педагогиканинг ривожланишида янги сифатий жараёнлар кузатилаётганда, ушбу ўзгаришлар ҳарбий олий таълим муассасаларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди, албатта. Ҳарбий олий таълим муассасалари ўзига хос ихтисослашганлиги, ички бошқаруви, ўқув жараёнининг йилдан йилга ўзининг мазмуни, вазифалари ва ривожланишига кўра мураккаблашиб бораётганлиги яққол намоён бўлмоқда.

Ҳарбий олий таълим муассасаларидаги таълим-тарбия тизимида олиб борилаётган ислохотларда ҳарбий педагог-кадрларнинг инновацион салоҳиятининг ривожланганлиги асосий ўрин эгалламоқда. Чунки бошқа соҳалар сингари ҳарбий таълим-тарбия тизимида ҳам инновацион технологияларнинг кенг жорий этиш эҳтиёжининг ошиб бориши ҳарбий педагогнинг ўз фаолиятига бўлган нуқтаи назарининг ва касбий педагогик маданиятига нисбатан қўйилган талабларнинг янгича ўзгаришига олиб келди. Ҳозирги вақтда ҳарбий кадрларни тайёрлаш талабларининг ўсиб бориши ўз навбатида ҳарбий педагогларнинг касбий-педагогик маданияти ва маҳоратини такомиллаштиришни шарт қилиб қўймоқда. Фақатгина мадант п.1

маҳорат ҳарбий педагогнинг ўз фаолиятида юқори маънавий поғонасини эгаллашига имкон беради, педагогик фаолиятининг сифатини ва курсантларни юксак маънавий фазилатлар асосида тарбиялашни таъминлайди. Ҳарбий педагогларнинг ташкилий-педагогик тайёргарлик шароитларини аниқлаш, тўлдириш ва янги ўзгартиришлар киритиш. уларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришни талаб этади.

Шунингдек, бугунги кундаги таълим жараёнидаги турли ўзгаришлар шахе парадигмасига ўтиш зарурлигини тақозо қилмоқда. Шахсга йўналтирилган таълим жараёни Ўзбекистан Республикаси таълим тизими учун инновацион ҳодиса ҳисобланади. Шахсга йўналтирилган таълимнинг характерли хусусиятлари унинг мақсади, мазмуни, усуллари ва ташкиллаштириш шаклларида намоён бўлади. Шахсга йўналтирилган таълимнинг натижаларини баҳолаш мезонлари ўқитувчи ҳамда ўқувчи муносабатларининг бир бутун кадрият сифатида ривожланишини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак<sup>1</sup>.

Мазкур масаланинг муҳим аҳамият касб этишини Президент Ислам Каримов ўзининг «Юксак маънавий - енгилмас куч асарида қуйидагича эътироф этади: «Барчамизга аёнки, инсон қалбига йўл аввало, таълим-тарбиядан бошланади. Шунинг учун қачонки, бу ҳаққа гап кетса, ажодларимиз қолдирган бебаҳо меросни эслаш билан бирга, ота-оналаримиз катори биз учун энг яқин бўлган яна бир буюк зот - ўқитувчи ва мураббийларнинг олижаноб меҳнатини хурмат билан тилга оламиз.

Биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этишда биринчи галда ана шу машаққатли касб эгаларига суянамиз ва таянамиз, эртага- ўрнимизга келадиган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизмати нақадар бекиёс эканини ўзимизга яхши тасаввур қиламиз»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Маъмуров Б. Б. Ўқувчи шахсга йўналтирилган ўқув-билув жараёни ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитлари. Педагогика фанлари номзоди....днс. Автореф. -Т.: 2009. -Б. 3.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак маънавий-енгилмас куч. - Т.: «Маънавий», 2008. - Б. 130.

Юқорида фикрлардан маълум бўладики, шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш учун ўқитувчи инновацион салоҳиятга эга бўлиши керак. Бу қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) шахсга йўналтирилган таълим жараёнида ўқитувчининг эътибори бевосита таълим олувчи шахсига қаратилиши;

2) ўқитувчи ўзининг педагогик жараённинг бош субъекта сифатида англаши;

3) педагогик жараён масъулиятини чуқур ҳис этиши ва шу жараён ичида аниқ мақсад асосида ҳаракат қила олиши;

4) таълим олувчилар билан ўзаро умумий ва индивидуал мулоқотта тайёр бўлиши, уларнинг ҳар биридаги ўзига хосликни ҳисобга ола билиши;

5) турли педагогик вазиятлар, уларни ечиш йўллари олдидан башорат қила олиши;

6) илғор ҳамкасбларининг тажрибаларини мунтазам ўрганиши, умумлаштира олиши ва ўз фаолиятида қўллаши кабилар.

Танланган муаммо ечимини топишга йўналтирилган илмий-педагогик фаолият жараёнини ёритишда устувор бўлган тушунчалар моҳиятини тўғри англаб олиш тадқиқот йўналишини тўғри белгилашга имкон беради. Шу сабабли дастлаб устувор тушунчаларни аниқлашга эътибор қаратилди ва улар қуйидагилар эканлиги аниқланди: инновация, инновацион жараён, инновацион фаолият, инновацион салоҳият, ҳарбий педагог-кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш, ҳарбий педагог-кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш орқали малакасини ошириш.

«**Инновация**» тушунчаси латин тилидан олинган бўлиб (т - га, поуз - янги), «янгилаш», «ўзлаштириш», «қандайдир янгиликни киритиш», «янгини жорий қилиш», «янгилик киритиш» маъноларини беради. Ўз навбатида «янги» сўзи ушбу тушунчанинг асосий ядросини ташкил этади. Одатда, янгилаш тушунчаси таълимда кўп ҳолларда ўзгартириш тушунчаси билан синонимдир. Агар ушбу ўзгартириш кенг қамровли бўлса ва бутун таълим тизимини ўзгартирса, унда «ислохот» тушунчаси билан изоҳланади. Лекин барча ўзгаришларни

янгилик деб қараш тўғри бўлмайди. Чунки янгилик ўзида авват бошиданок қўйилган вазифаларнинг янгилашсини мақсад қилиб қўяди.

Педагогик инноватиканинг асосий кўрсаткичи унинг бошланғич ривожига боғлиқ бўлиб, педагогикадаги **янгилик** - бу фақатгина гоё, ёндашув, метод, технология, шунчаки тақдим этилган ва ҳали фойдаланилмаган ҳолатдаги эмас, балки бу инновацион жараённинг мажмуавий ва алоҳида таркибий қисмидир, у эса ўзида ўзгарувчан шароитларда ва ҳолатларда таълим-тарбия масалаларини етарлича самарали ҳал эташни ифода этади.

**Инновация** эса - бу маълум бир босқич асосида ривожланадиган жараёндир. У бир нечта маънодаги тушунчаларни беради:

1. Инновация - бу таълимнинг янги мазмуни, шакл ва методларини ишлаб чиқиш.

2. Яратилган педагогик тизимни жорий этиш ва оммалаштириш.

3. Таълим муассасани бошқариш ва ривожлантиришнинг янги технологиясини ишлаб чиқиш.

4. Тажриба-синов объект сифатида.

5. Яхлит педагогик жараённи инновациялаш.

6. Янгиликларнинг қўлланилиш даражасини янги маҳсулдорликлар билан ўзгартириш босқичи.

Республикамиз олимлари Ш.Қурбонов, Э.Сейтхалилов, М.Қуронов, Р.Ш.Ахлидинов, И.Мажидов, С.Тургунов, Н.Эркабоева, М.Жуманиёзовлар инновацияларни таълим маконидаги хилма-хил ташаббуслар ва янгиликларнинг тўпланиши ва шаклини ўзгартариши тамойилларида ўз ифодасини топувчи, таълимни ривожлантиришнинг муҳим унсури сифатида қуйидагича таърифлайди. Жумладан, С.Тургунов инновациялар - хилма-хил ташаббуслар ва янгиликлар асосида вужудга келадиган таълим эволюцияси учун истиқболли бўлади ҳамда унинг ривожланишига, шунингдек, анча кенг мультимедий таълим маконининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатадиган актуал аҳамиятли ва ўзи тазим ҳосил қиладиган янги

нарсалар эканлигини алохида таъкидлаб ўтади<sup>1</sup>. Н.Эркабоева эса инновацияни янгилик киритиш, тизим ичида ўзгаришлар яратиш, деб изоҳласа, М.Жуманиёзова инновация - назария ва амалиётнинг муҳим қисми бўлиб, ижтимоий-маданий объект сифатларини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий субъектларнинг ҳаракат тизими, дея таъриф беради<sup>2</sup>. Бошқарув назариясига дойр тадқиқотларни таҳлил этиш асосида шу соҳада илмий изланишлар олиб бораётган Ш.Зуфаров «Инновация тушунчаси мазмунан «янги», «янгилик» тушунчаларининг айнан ўзи эмас. Исталган янгилик, қачонки, амалий фаолиятда ўзининг кенг қамровли самарасини берса ва кенг қўламли эҳтиёж объектига айлансагина, том маънодаги инновация деб аташ мумкин бўлади», деган фикрни уқтириб ўтади<sup>3</sup>.

Инновациялар технология, иктисодиёт, савдо-сотик, ижтимоий тизим билан алоқадорликда хилма-хил кўринишларда намоён бўлади:

1. Ташкилий инновациялар.
2. Иктисодий инновациялар.
3. Технологик инновациялар.
4. Педагогик инновациялар.

1. Ташкилий инновацияларга таълим муассасасини бошқаришнинг янги методларини амалга ошириш, ташқи алоқа ўрнатиш ва иш ўринларини ташкил этиш тушунилади. Ташкилий инновациялар таълим муассасасининг ўқув-тарбия жараёни самарадорлигига қаратилган ва маъмурий буйруқбозликдан воз кечадиган фаолият туридир.

<sup>1</sup> Қаранг: Турғунов С. Умумий ўрта таълим мактаби директорларини бошқарув фаолиятининг назарий асослари. Педагогика фанлари доктори. ^.. дисс. - Т.: 2007.

<sup>2</sup> Қаранг: Эркабоева Н.Ш. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда педагогик фикрларнинг ривожланиши (1992-2005 йй). Педагогика фанлари доктори. ... дисс. - Т.: 2007; Жуманиёзова М.Т. Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлатишнинг педагогик асослари (тарих итувчилари мисолида). Педагогика фанлари номзоди.... дисс. - Т.: 2007.

Зуфаров Ш. Таълим муассасаларига инновацияларни жорий этиш тизимини такомиллаштириш - педагогик муаммо сифатида // Формирование интеллектуального, творческого и духовного потенциала личности обучающихся в современных условиях. Сб. науч.-мет. стат. в 24 частях. 4.6. - Т.: 2009. С. 59.

2, Иктисодий инновациялар деганда, замонавий техника ва технологияларни жорий қилиниши натижасида, жаҳон стандартларига мое келадиган мутахассисларни тайёрлаш тушунилади.

3. Технологик инновациялар юқорида келтирилган педагогик, ташкилий ва иктисодий инновациялар билан мувофиқлаштирилган ва ўзаро алоқадорлик асосида амалга оширилсагина, у ўзининг юқори самарасини беради.

Технологик инновацияларни ишлаб чиқиш ва кенг татбиқ этиш, таълим жараёнида замонавий компьютер ва телекоммуникация технологиялари инновацион ўқув жараёни ривожланишининг муҳим омилдир, Янги ахборот технологияларини охириги ўн йилликдаги такомиллашуви ва ривожланиши таълим тизимига янгиликларни кириб келишини тезлаштирди ва қучайтирди.

1. Педагогик инновациялар деганда, педагогик янгиликларни ўрганиш, ўзлаштириш, уларни баҳолаш, фойдаланиш ва амалиётга татбиқ этиш тушунилади.

Педагогик инновация - мутахассисларни янгича шароитларга ишлашга тайёрловчи жараён бўлиб, олдинги эгалланган билимлар асосида ижобий педагогик самараларни берувчи янгича ёндашув технологиясини яратиш ва жорий этишдан иборатдир. Бунда таълимнинг мақсади, мазмун-моҳияти, таълимнинг танлаш, тўплаш ва қўллашнинг инновацион усулларини ва улардан фойдаланишга дойр услубий тавсиялар яратиш тушунилади. Педагогик инновациялар кенг қамровли, кўп қиррали, мураккаб ва ижодий ташкилий-педагогик фаолият бўлиб, унинг ёрдамида таълим-тарбия жараёнининг истикболли ва самарали услубиётини яратиш мумкин<sup>1</sup>.

«Инновация» ва «инновацион жараёнлар» иборалари ўзаро яқин ва ўхшаш, лекин бир хил маънони англатмайди. Инновацион жараён инновацияларни вужудга келтириш, амалиётга татбиқ этиш ва оммалаштириш фаолиятлари билан боғлиқ.


<sup>1</sup> Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х., Ҳайдаров М., Ҳасанбоева О., Усманов Н. Педагогика фанидан изоҳли лугат. - Т.: «Ғап \-а ТехнолоҒа» нашриёти, 2009. - Б. 388-389.



Р.Ш.Ахдидинов, Ш.Қурбонов, Э.Сейтхалилов, М.Қуронов, И.Мажидов, С.Турғунов, Н.Эркабоева, Н.Мамадовларнинг фикрига кўра, инновацион жараёнлар тўғшаниб, қарор топиш, фаол шакллантириш, трансформацияловчи каби ривожланиш цикллари хосил қилади. Мазкур жараёнлар давомида таълим тизимларининг инновацион потенциал и: уларнинг ўз-ўзидан ривожланиш қобилияти, шахснинг ўзини-ўзи ривожлантириши учун хилма-хил маданий-маърифий муҳит ва шароитлар, ҳамжамиятлардаги таълим институциялари турларининг хилма-хиллиги, ҳамжамиятларнинг хилма-хил ва ривожланган жамоасига алоқалари шаклланади.

«Инновация» тушунчаси доимо бир хил маънода таърифланмайди, кўп ҳолларда у «янгилик киритиш» тушунчаси сифатида кўриб чиқилади, «инновацион жараён» тушунчаси эса янгилик яратиш ва уларни ўзлаштириш ҳамда таълим муассасаси амалиётида самарали қўллашни ифодалайди. Инновацион жараённинг таркибий тузилишини муаммолар; янгиликни яратишга эҳтиёж; субъектлар; мақсад; вазифалар; мазмун; методлар; натижа ташкил этади (1-расм).

Р.Н.Юсуфбекова инновацион жараён тузилмасининг уч блокни фарқлайди:



1 -раем. Инновацион жараённинг таркибий тузилиши (С.Турғунов бўйича)<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Турғунов С. Умумий ўрта таълим мактаби директорларини бошқарув фаолиятига тайёрлаш. Педагогика фанлари доктори... дисс. - Т.: 2007.

Биринчи блок - педагогикадаги янги яратиш блоки. Бунга педагогикадаги янги, педагогик янгиликнинг таснифи, янги яратиш шарт-шароити, янгиликнинг меъёрлари, уни ўзлаштириш ва фойдаланишга тайёрлиги, анъана ва новаторлик, педагогикадаги янги яратиш босқичи қабилар қиради.

Иккинчи блок - янги идрок қилиш, ўзлаштириш ва баҳолаш блоки: педагогик ҳамжамиятлар, янги яратиш ва уни баҳолаш жараённинг ранг-баранглиги, педагогикадаги консерваторлик ва новаторлик, инновация муҳити, педагогик жамиятнинг янги идрок этиш ва баҳолашга тайёрлиги.

Учинчи блок - янгидан фойдаланиш ва уни жорий этиш блоки, яъни янги татбиқ этиш, фойдаланиш, кенг жорий этиш қонуниятлари ва турларидир<sup>1</sup>.

«Инновация», «янгилик киритиш», «инновацион жараён»ларни тахдид қилиш орқали «инновацион фаолият» тушунчасини қуйидагича изоҳдаш имконияти юзага келди:

**Инновацион фаолият** - педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға бошловчи, тараккий эттирувчи қудир. Инновацион фаолият - бу янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мое келмаслиги, ёхуд амалиётнинг янги қўлланилаётган меъёрининг мавжуд меъёр билан тўқнашуви натижасида вужудга келувчи мажмуали муаммоларнинг ечимига қаратилган фаолиятдир.

Инновацион фаолиятнинг самарадорлиги эса ўз навбатида «инновацион салоҳият»ни ривожланганлик даражасига боғлиқдир.

**Инновацион салоҳият** деганда, алоҳида педагогнинг ва яхлитликда педагогик жамоанинг янгиликни ўзлаштиришга тайёрлиги, улардан амалиётда фойдалана олиши ва қўлланган натижаларни қўлга кирита олиши тушунилади. Педагогика ва педагогик менежментда инновацион салоҳият тушунчаси икки хил тарзда талқин этилади: кенг маънода - таълим муассасасининг инновацион салоҳияти (бизнинг тадқиқотимизда олий ҳарбий билим юртлири), тор маънода - ўқитувчи (ҳарбий

<sup>1</sup> Отопов Н.Т., Хо'аеуе Ы.Х., Мадугаева 8.А., ЕЗЬСЬОПОВ Е.11. Рейадоейс Iexпо-1081>alag ya pe<1a80\$ic табора(. - Т.: ГОТ18СЮ-М01ЛУА, 2009. - В. 99-100.

педагог-кадрлар)нинг инновацион салоҳияти. Олий ҳарбий билим юртлари инновацион салоҳияти деганда, унинг ўзини ривожлантиришга тайёрлиги, шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш учун маданий-таълимий муҳитнинг ва шарт-шароитларнинг хилма-хиллиги ҳамда коммуникатив муносабатларнинг юқори даражаси тушунилади. Алоҳида ҳарбий-педагог учун эса бу - унинг шахсидаги ижтимоий-маданий ва ижодий ўзига хосликлар йиғиндиси, педагогик фаолиятни такомиллаштиришга тайёрлиги ҳамда бунинг учун зарурий ички восита ва методларнинг мавжудлигидир. Ҳарбий педагог-кадрнинг инновацион салоҳияти унинг ўз-ўзини англаши, ўз-ўзини тарбиялаши, ўз-ўзини такомиллаштириши асосида жамиятдаги янги ланишларини кўра олиши, улардан педагогик фаолиятда самарали фойдалана олишини тақозо этади.

Ўз-ўзини англаш инсоннинг фаол ҳаракати жараёнида мунтазам ривожланиб боровчи жараён бўлиб, билиш ва англаш каби таркибий қисмлардан ташкил топади. Ўз-ўзини билиш бирданига, тўсатдан намоён бўлмайди. Инсон ўз-ўзини билишга билимларни эгаллаш, кишилар билан мулоқот ва фаолият жараёнида эришади. Шаклланиб, ривожланиб борадиган англаш - мураккаб ҳодисадир. Чунки бу ўринда шахе билишнинг ўзига хос икки шакли: билишнинг ҳам объекта, ҳам субъекта сифатида намоён бўлади<sup>1</sup>.

Ҳарбий педагогларнинг малакасини ошириш жараёнида уларда касбий фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур ўз-ўзини англашнинг ўрнини белгилашда уни шахе сифат тузилиши билан боғлиқликда кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Ўз-ўзини англаш билан боғлиқликда шахе сифат тузилиши куйидагича намоён бўлади:

- 1) шахснинг қизиқишлари, интилишлари, идеаллари, дунё-караши, эътиқодларининг муайян мақсадга йуналганлиги;
- 2) шахе тажрибаси, билимлари, кўникмалари, малакалари, одатлари унинг тайёргарлигини белгилаши;

Гулбоев А. Педагогик ташхис воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш. - Т.: «Ғап уа ТехнолоҒиуа» нашриёти, 2009. - Б. 17.

3) айрим психик жараёнларнинг доимий хусусиятлар: диккат, идрок, таффаккур, хотира, ирода, ҳиссиёт, психик ҳаракатларнинг машқлар асосида ривожланиши.

Ўз-ўзини тарбиялаш, ўзининг организми ва хоҳиш-истакларини маълум мақсад, яъни ўзининг келажаги, оиласи, жамият манфаатларини кўзловчи истикболли мақсадларга йўналтириш шунчаки орзу, хоҳиш-истак билан амалга ошмайди. Бу мураккаб рухий, анатомик-физиологик, жисмоний, қолаверса, ижтимоий жараёнларни ўз ичига оловчи инсоннинг шахсий сифатлари билан боғлиқ. Инсоннинг рухий ҳолатани бошқара олиши олий нерв фаолиятининг махсулидир<sup>1</sup>.

Ўз-ўзини такомиллаштириш эса шахснинг ички таъсир қилувчи омиллар билан ички интилишларини аниқ педагогик вазифалар: мақсад ва иедални шакллантириш, ўз-ўзини англаш ва бошқариш учун зарур бўлган хислатларни тарбиялашга қаратилиши лозим.

#### Устувор тамойиллар

**Инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш тамойили**

**Индивиду аллаштириш тамойили**

**Миллий ва умуминсоний кадриятларга таяниш**

**Табақалаштириш тамойили**

**Яхлит, мажмуавий, технологик ёндашув тамойили**

#### 2-расм. Ҳарбий-педагогик таълимнинг устувор тамойиллари.

Иккинчидан, инновацион салоҳиятни ривожлантириш бугунги кунда ҳарбий-педагогик фаолиятни ташкил этишда асос

<sup>1</sup> Гулбоев А. Педагогик ташхис воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш. - Т.: «Ғап уа ТехнолоҒиуа» нашриёти, 2009. - Б. 18г

бўлиб хизмат қилувчи тамойиллар билан ҳам тўла муносиб келади. Ҳарбий-педагогик таълимни ташкил этишнинг устувор тамойилларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) ҳарбий-педагогик таълимни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш;

2) ҳарбий-педагогик таълимда миллий ва умуминсоний кадриятларга таяниш;

3) ҳарбий-педагогик таълимни индивидуаллаштириш;

4) ҳарбий-педагогик таълимни табақалаштириш;

5) ҳарбий-педагогик таълимга яхлит, мажмуавий, технологик ёндашув тамойили.

**Ҳарбий-педагогик таълимни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш.** Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасида, таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири таълим ва тарбиянинг инсонпарвар ва демократик характерда бўлиши кўрсатилган<sup>1</sup>. Таълим ва тарбиянинг инсонпарварлашуви инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантиришни назарда тутди. Таълимни инсонпарварлаштириш шахснинг ижодий қобилиятларини рўёбга чиқаришга имкон яратади. Шунингдек, таълим жараёнида унинг маънавий-ахлоқий эҳтиёжлари, хоши-истаклари ва қизиқишларини ҳисобга олишни назарда тутди. Бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия жараёни шахсни ҳар томонлама камол топишини таъминлашга йўналтирилади, унинг шахсига нисбатан ҳурмат билан ёндашилади.

Таълимни инсонийлаштириш бу таълим тизими ва бутун таълим жараёнини ҳар бир инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, педагоглар ўртасида ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларни ривожлантириш, уларнинг соғлиқларини сақлаш ва мустаҳкамлаш, шахсий кадр-қимматларининг ҳис этишларини таъминлаш ва шахсий имкониятларини ривожлантиришга хизмат қилади. Инсонпарварлаштириш - бу таълимнинг босқичи

<sup>1</sup> Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: «Шарк», 1997. - Б. 20.

ва туридан қатъий назар асосий ижтимоий муаммо - инсон фаровонлиги муаммосини ҳал этишга имкон берувчи таълим мазмунини ўзлаштиришга йўналтиришдир.

Таълим ва тарбияни демократлаштиришнинг мазмуни шундан иборатки, таълим-тарбия мазмунининг очикдиги, ўқув материаллари, таълим шакл ва методларининг хилма-хиллиги, миллий ва ҳудудий хусусиятларнинг инобатта олиниши, ҳам-манинг ва ҳар кимнинг маданий жиҳатдан юксак натижаларга эришишини таъминлашга имкон беради. Мазкур тамойилга амал қилиш таълим олувчиларнинг хошишларига кўра ўқув жадвалидан қўшимча фанларнинг ўрин олиши, юқори синфларда муайян фанларнинг чуқурлаштирилиб ўргатилиши, факультатив машғулотлар ҳажмининг кенгайтириш, турли йўналишларда тўғарақларни ташкил этиш, дарсларнинг яқка ва гуруҳ асосида ўтказилишига эътибор берилишини англатади.

Муносабатларни демократлаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- курсант ва ҳарбий-педагог ҳуқуқларини тенглаштириш,
- курсантнинг эркин танлаб олиш ҳуқуқи;
- хатога йўл қўйиш ҳуқуқи;
- ўз нуқтаи назарига эга бўлиш ҳуқуқи;
- ҳарбий-педагог ва курсантлар муносабати зайли: тақиқламаслик; бошқариш эмас, биргаликда бошқариш; мажбурлаш эмас, ишонтириш; буюриш эмас, ташкил этиш; чегаралаш эмас, эркин танлаб олишга имкон бериш.

Янги муносабатларнинг асосий мазмуни, ҳозирги замон шароитида самарали натижа бермайдиган ва ғайри инсоний ҳисобланадиган зўравонлик педагогикасидан воз кечишдир. Муаммо бу тамойилни мутлақлаштиришда эмас, балки унинг оқилона мезонларини аниқлашдадир. Умуман олганда тарбия жараёнида зўравонлик мумкин эмас, аммо жазолаш инсонни камситади, эзади, ривожланишини сусайтиради, унда қулчилик хусусиятларини шакллантиради.

Эркин ўқитиш қуйидагилар билан белгиланади:

- ишончга асосланган эркин талабчанлик;

- ўқув матеркалига кизиқиш уйғотиш, билишга ва фаол ижодий фикрлашга рағбатлантириш;
- курсантларнинг мустақиллиги ва ташаббусига таяниш;
- жамоа орқали билвосита усуллар билан талабларни амалга оширишни таъминлаш.

**Ҳарбий-педагогик таълимни индивидуаллаштириш.** Индивидуаллаштириш таълим-тарбия жараёнида курсант ва ҳарбий педагог ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳамма турларидан фойдаланган ҳолда уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш ва ривожлантириш демакдир. Индивидуал ёндашиш - бу педагогик тамойилга кўра, педагогик жараёнда ҳарбий педагогнинг курсантлар билан ўзаро муносабати, уларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда курилади ва бутун гуруҳ ҳамда ҳар бир алоҳида талабанинг ривожини учун психологик-педагогик муҳит яратилади.

Индивидуал ёндашувнинг замонавий янги талқини қуйидагилардан иборат:

- ўртача ўқувчига йўналтиришдан воз кечиш;
- шахснинг яхши хислатларини излаш;
- шахе ривожланишининг индивидуал дастурларини тузиш.

Шахсий ёндашишда биринчи навбатда қуйидагилар зарур бўлади:

- ҳар бир ўқувчи қиёфасида ноёб шахсни кўриш, уни хурмат қилиш, тушуниш, қабул қилиш, унга ишониш. Педагогда барча ўқувчилар истеъдодли деган ишонч бўлиши керак;
- шахсга, ютукни маъқулловчи, қўллаб-қувватловчи, хайрихоҳ вазиятлар яратиш, яъни ўқиш қониқиш ва хурсандчиликни олиб келиши керак;
- бевосита мажбурлашга йўл қўймаслик, қолоқликка ва бошқа камчиликларга урғу бермаслик, унинг нафсониятига тегмаслик;
- педагогик жараёнда, курсантларга ўз қобилиятларини рўёбга чиқаришга имконият яратиш ва кўмаклашиш.

**Ҳарбий-педагогик таълимни табақалаштириш.** Бу йўналиш мажбурий курслар билан бирга юқори курсларда чуқурлаштирилган ва ихтисослаштирилган ўқитиш, фанларни танлаш асосида олиб боришни кўзда тутлади. Гуруҳда, гуруҳлар ўртасида ҳамда турли ёшдаги ўқув гуруҳларида факультатив курсларни индивидуал, гуруҳли машғулотлар ҳамда кизиқишларига кўра тўғарақларни ривожлантириш ҳам кўзда тутилади. Табақалаштириш - бу замонавий шароитда таълимни ривожлантиришнинг умумий йўналиши ҳисобланади.

Ўқитишни табақалаш (бу тушунча ўқитиш жараёнини ўзи билан боғлиқ) - услубий, психологик-педагогик ва ташкилий-бошқарув тадбирлар мажмуаси асосида тузилган турли хилдаги гомоген гуруҳларда ўқиш учун турли хил шарт-шароитларни яратиш демакдир (3-расм).

| 0   |                                 |                        |
|---|---------------------------------|------------------------|
| А. Бошланғич ўқитишнинг табақалаштириш поғона | В. Урта поғона                  | С. Олий поғона         |
| Оқимларда ва академик гуруҳларда ўқитиш       | Гомоген гуруҳларда ўқитиш (ГГУ) | Индивидуал ўқитиш (ИУ) |
| О   | У                               | ИУ                     |
| М   | Қ                               | ИУ                     |
| М   | И                               | ИУ                     |
| А   | Т                               | ИУ                     |
| В   | И                               | ИУ                     |
| И   | Ш                               | ИУ                     |
| Й   | ГГУ                             | ИУ                     |
|   |                                 | ИУ                     |
|   |                                 | ИУ                     |
|   |                                 | ИУ                     |

3-расм. Ўқитишнинг табақалаштириш поғоналари.

**Ҳарбий-педагогик таълимга яхлит, мажмуавий ва технологик ёндашув тамойили.** Педагогик жараён кўп қиррали

ва мураккаб бўлиб, унинг кечишига жуда кўплаб ижтимоий, иктисодий ва психологик омиллар ўз таъсирини ўтказди.

Шу боис жараёни ташкил этишда барча омилларни инobatта олиш ҳамда уларнинг имкониятини муайян нуктада тўплаш (мажмуавий ёндашув) унинг самарали яқунланишига шароит яратади. Замонавий шароитда эса ҳарбий-педагогик таълим жараёнида илгор педагогик технологияларни кулламаслик мумкин эмас.

Таълимнинг барча замон ва маконларда ҳам жамият тараққиёти билан уйғун бўлганлигини инobatта олган ҳолда бўлажак офицерларни касбий тайёрлаш жараёнига технологик ёндашув қисқа муддатларда қўрилган натижани қўлга киритиш имконини беради.

## **2. Ҳарбий педагог-кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш мазмуни, тузилиши ва ўзига хосликлари**

Инновацион салоҳиятни ташкиллаштириш жараёнининг тузилиши мураккаб тавсифга эга бўлиб, салоҳиятнинг ривожланиш даражаси эса инновацион имкониятларни, педагог кадрларларнинг ўз меҳнати самарадорлигидан қониқиш ҳосил қилишларини тақозо этади. Мазкур таърифни асос қилиб олган ҳолда, инновацион салоҳиятнинг қуйидаги таркибий қисмларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

**1. Технологик таркибий қисм** ходимларнинг касбий кўникма ва малакаларга эгаллиги даражаси, ишлаб чиқариш технологиялари, ташкилотдаги янгилашларни бошқариш ва амалга ошириш билан тавсифланади.

Ҳарбий педагог-кадрларнинг инновацион фаолиятга технологик тайёрлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- 1) ўз фаолият натижаларини танқидий баҳолай олиш қобилияти;
- 2) ўз касбий компетентлик даражасини ошириш;
- 3) янги ахборотни ижобий идрок этиш қобилиятига эгалик;

4) ташкилий маданият ва психологик муҳитнинг инновацион фаолиятга йўналганлиги.

**2. Когнитив таркибий кием** ўзида жамоа аъзоларининг келгуси янгилашлардан хабардорлиги, шу билан бирга инновация субъектларининг профессионал билим даражасини акс эттиради.

**3. Креатив таркибий кием** профессионал фаолиятни амалга оширишда муассаса ходимларида ижодий ёндашувнинг мавжудлиги, уларнинг муаммоли вазиятларда ностандарт фикрлай олиш, биқик фикрлаш ва фаолият кўникмаларига эгаликларини аниқлаб беради.

4. Психологик муҳитда намоён бўлувчи муассасанинг ташкилий маданияти, кадриятга йўналганлиги, ижтимоий установакалар, жамоа аъзоларининг хатти-ҳаракатлари инновацион салоҳиятнинг **регулятив таркибий қисми** мазмун-моҳиятини очиб беради.

5. Жамоа аъзоларининг инновацияни ўзлаштириш жараёни. уларнинг фаолиятига таъсир этиши, уни кучайтириши ё сусайтириши **хиссий-эмоционал таркибий қисм** билан белгиланади.

**6. Мотивацион таркибий кием** жамоа аъзоларининг янгиликка муносабатини аниқлаш: инновацион фаолиятга даъват этиш, унинг чегара ва шаклларини белгилаб бериш, таълим муассасаси мақсадларига эришишга йўналтирилган, мўлжалланган мотивлардан таркиб топади.

Мотивацион-ижодий йўналганлик ҳарбий педагог-кадрларда қуйидаги эҳтиёж ва қобилиятларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади:

- 1) педагогик вазифаларни хал этишга дойр стандарт бўлмаган ёндашувларни излаб топиш;
- 2) изланишли-тадқиқотчилик фаолиятини амалга ошириш;
- 3) янгиликларни амалиётда қўллай олиш учун мавжуд билимлардан фойдалана олиш ва уларни ривожлантириш;
- 4) педагогик рефлексияни амалга ошириш;

5) ижтимоий-иктисодий ва педагогик шарт-шароитларга дойр ўзгаришларга тез мослаша олиш.

Педагогика фанида жамоанинг инновацион салохиятини баҳолашга дойр ёндашувлар (В.Н.Гунин, В.П.Бараничев, В.А.Устинов, С.Ю.Ляпина, У.Иноят, С.Тургунов, М.Жуманиёзова) ишлаб чиқилган бўлиб, улар орасида диагностик ёндашув кенг тарқалган. Диагностик ёндашувни амалга ошириш аниқ белгиланган мезонлар асосида жамоанинг ривожланганлик даражасини ташхис этиш ва таҳлил этиш ҳамда инновацион фаолиятга таъсир этувчи омилларни баҳолашни талаб этади.

Ҳарбий-педагог кадрларнинг инновацион салохиятининг ривожланганлик даражасини аниқлашда қуйидаги мезонларга асосланиш мақсадга мувофиқ:

- 1) янги ахборотни ижобий-танқидий идрок эта олиш;
- 2) умумий ва касбий билимларни доимий бойитиб бориш;
- 3) янги рақобатбардош ғояларни олға суриш;
- 4) ностандарт топшириқларни ҳал этиш ва анъанавий топшириқларни бажаришнинг янги методларини излаб топиш;
- 5) янгиликни амалга ошириш учун мавжуд билимлардан тўла фойдалана олиш.

Ҳарбий педагог-кадрларнинг инновацион салохиятини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида эса қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- 1) ҳарбий педагог-кадрларнинг ижод қилиши учун эркинликнинг тақдим этилганлиги;
- 2) новатор педагогларни ресурслар билан таъминланишининг раҳбарият томонидан қўллаб-қувватланиши;
- 3) жамоада мунозара ва фикрлар алмашинувининг фаол йўлга куйилганлиги;
- 4) касбий компетентликни ривожлантиришга иштиёқнинг рағбатлантирилганлиги;
- 5) педагогнинг ўз-ўзини ривожлантириши учун имкониятларнинг тақдим этилиши;
- 6) юқори даражадаги ахборий таъминотнинг йўлга куйилганлиги;
- 7) ўзгаришлар аргументациясининг асосланганлиги;

8) жамоада ишонч ва ўзаро бир-бирига ёрдам бериш жараёнининг қўллаб-қувватланиши.

Хулоса қилиб айтганда, ҳарбий-педагог-кадрларнинг инновацион салохиятини ривожлантириш жараёни тадрижий тавсифга эга бўлиб, мазкур жараённинг ўзига хосликлари, тuzилиши, унга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш, уларда инновацион салохиятнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқишни ва амалиётга жорий этишни талаб этади.

### **3. Ҳарбий педагог-кадрларнинг инновацион салохиятини ривожлантириш мезонлари**

Ҳарбий педагог-кадрларнинг инновацион салохиятини ривожлантириш энг аввало, унинг касбий фаолияти, касбий етуклиги (профессионализм) билан боғлиқдир, «Профессионализм» сўзи турли маъноларда ишлатилади. Агар «мазкур иш профессионалликни талаб этади», дейилса, бу ерда гап касбнинг инсон шахсига қўяётган меъёрий талабини ўзида ифода этади. Ҳарбий педагог-кадрларнинг касбий етуклиги деганда эса касбий фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган инсон шахси тавсифи йигиндиси тушунилади.

Профессионализм - касбий фаолиятдаги вазифаларни бажаришдаги юқори даражадаги тайёргарликни ифода этса, профессионал деганда, ўз касбига тўла мослашган ва меҳнатнинг психологик воситаларига эга бўлган инсон тушунилади<sup>1</sup>. Ҳарбий педагог-кадрнинг касбий тайёргарлиги - интегратив шахс хусусияти бўлиб, унинг педагогик фаолияти самарадорлигининг муҳим шартидир.

Умуман олганда, касбий етуклик (профессионаллашув) таълимни шундай йўналтирилганлигики, унга кура ҳарбий педагог-кадрлар томонидан касбий фаолиятнинг кадриятли мазмунининг аниқланиши ҳамда қабул қилиниши, уларнинг ўзини

<sup>1</sup> Педагогика / Под ред. П.И.Пидкасистого. - М.: Пед. общество России, 1998. - С. 48(М81).

мазкур фаолиятнинг субъекта сифатида англаши, ўзининг касбий ривожланиши, шу билан бирга иш мартабасидан келиб чиқиб мақсадларини режалаштириши ва унга эришиш усулларига эгаллик қилиши зарур бўлади.

Н.М.Эгамбердиеванинг фикрича, касбий етуклик (профессионаллашув) ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Бунинг учун мутахассисда шахсий ва касбий сифатларни тарбиялаш талаб этилади'. Мазкур фикрдан келиб чиққан ҳолда, биз харбий педагог-кадрларнинг касбий етуклиги ҳақида фикр юритаётган эканмиз, «педагоглик касб тарбияси» тушунчасига ҳам тўхталиб ўтишимиз зарур.

В.А.Сластёнин, С.Б.Елканов, А.Ж.Ажибаевалар «педагоглик касб тарбияси» тушунчасини қуйидагича изоҳлашади: «На-тижаси бўлажак педагог томонидан касбий кадриятларни ва идеалларни эгаллаш, унинг маънавий эҳтиёжларини ва қизиқишларини, ижтимоий-кадриятли мотивларни кенгайтириш, ҳиссий, ахлоқий ва эстетик тўғуларни, эмпатик қобилиятларни бойитиш, амалий педагогик кўникма, малака, одатларни, ўз-ўзини рефлексия қилиш тажрибасини эгаллаш каби шахе хусусиятларини шакллантириш мақсадига қаратилган тадрижий диалектик хдракатдир»<sup>2</sup>.

Педагогик мутахассислик - мазкур касб доирасидаги, таълим натижасида эгалланган билим, кўникма ва малакалар йиғиндисини тавсиф этувчи, ҳамда уларнинг қўйилиши ва ўзлаштираётган малакасига мувофиқ муайян касбий-педагогик вазибаларни ҳал этилишини таъминловчи фаолият тури.

Педагогик малака - мутахассиснинг маълум турдаги вазибани ҳал этишдаги имкониятларини ифодаловчи касбий-педагогик тайёрланганлик даражаси ва кўриниши<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида талбаларни шахсий ҳамда касбий гоктимоийлаштириш назарияси ва амалиёти (Педагогика олий таълим муассасалари мисолида). Педагогика фанлари доктори. ... дисс. - Т.: 2010. - Б. 17.

<sup>2</sup> Ажибаева А.Ж. Реализация личностно-ориентированного подхода в профессиональном воспитании будущего учителя. Автореф. дис. ... канд. пед. наук. - Бишкек, 2007. - Б. 11.

<sup>3</sup> Сластёнин В.А., Исаев И.Ф., Мищенко А.И., Шиянов Е.Н. Педагогика. - М.: «Школьная пресса», 2005. - С. 20.

НА.Муслимовнинг фикрича, жараён сифатида «касбий шаклланиш» тушунчасининг асосида бунёдкорлик, яратувчанлик ғояси ётади. Бу ҳолат ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади, зеро у педагогик тизимнинг муҳим фундаментал муаммоларидан бири саналади.

«Касбий шаклланиш» деганда ўқитувчининг ўзгариб борувчи таълим муҳитида тўғри йўналиш олишига кўмаклашувчи қиёфа, кадриятларнинг акси ва педагогик борликдаги қиёфалар тизими тушунилади. Бирок қиёфа-кўриниш-ҳақиқат моделининг шаклланиши ўз-ўзидан долзарблик касб этмайди<sup>1</sup>.

Шахсий ҳамда касбий ривожланишнинг моҳияти - борлиқнинг соддалашган, кичрайтирилган аксини яратиш, яъни ундаги лавҳаларни юзага келтириш - яратиш - шакллантириш - ҳосил қилишдан иборат. Борликдаги қиёфаларни мое равишда қўллай олиш учун биз ўзимизда ушбу лавҳалардан ҳаётнинг тўлақонли аксини ярата олишимиз лозим.

Касбий шаклланиш жараёнининг мақсади - уни қиёфа - моделлардан қайта тиклай олишдан иборат.

Шундай қилиб, касбий шаклланиш тушунчаси ўқитувчи томонидан ўз ҳаётий ва касбий йўналишининг аклий-воситавий таъминотини шакллантиришни ифодалайди. П.А.Рудик «Шахснинг психологик хусусиятлари инсон фаолиятида қўядиган мақсадларида, ушбу мақсадга эришиш усулларида, фаолият жараёнида алоқада бўлувчи бошқа инсонлар билан муносабатида ўз ифодасини топади. Бу каби барча хусусиятлар тасо-дифий эмас. Улар шахснинг меҳнатда қарор топишини ифодалайди, шунингдек маълум даражада турғун характерга эга бўлган, инсоннинг фаолиятига мақсадга йўналтирилганлик бахш этувчи интилишлари, қизиқишлари ҳамда дунёқарашида ўз аксини топади»<sup>2</sup> деб таъкидлайди. А.В.Суворовнинг фикрига кўра, шахснинг шаклланишида инсон фаоллигига муносабати белгилаб берувчи майллар тизимининг таркиб топиши намоён бўлади<sup>3</sup>.

Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Педагогика фанлари доктори... дисс. - Т.: 2007. - Б.40-41.

<sup>2</sup> Рудик П.А. Мотивы поведения деятельности. - М.: «Наука», 1988.

<sup>3</sup> Суворов А.В. Человечность как фактор саморазвития личности. Автореф. дисс. ... докт. психол. наук. - М.: 1996.

Бим-Бад Б.М. ва Петровскийлар'нинг фикрига кўра, касбий шаклланишнинг педагогик мантиқи «кенг ижтимоий мотавлар, билиш фаолияти ҳамда ижодкорлик қобилиятларига қизиқишнинг аниқланиши ва босқичма-босқич ривожлантириб борилиши, шунингдек, мутахассисларга нисбатан табакалаштирилган ёндашувнинг жорий этилиши» билан белгиланади.

Д.Н.Арзикулова томонидан олиб борилган тадқиқот ишида касбий шаклланиш жараёнини таҳлил қилиб, «касбий қизиқиш», «касбий йўналтирилганлик» каби тушунчаларни аниқлаб берган <sup>2</sup>.

Л.М.Митина ва О.В.Кузьменковалар уз ишларида ўзлари томонидан яратилган ўқитувчининг касбий ривожланиш концепциясини турли жиҳатларини тушунтирадилар.<sup>3</sup>

Улар ўқитувчининг касбий ривожланиши касбий аҳамиятли шаҳе сифатлари ва қобилиятлари, касбий билим ва кўникмаларининг ўсиши, шаклланиши, интеграцияси ҳамда педагогик меҳнатда ўз амалий тадбиқини топиши керак эканлигини эътироф этади, бироқ асосий омил сифатида - касбий фаолиятида ўз имкониятларини ижодий намоён қилишига олиб келувчи шахснинг ўз ички хисларини янгича кура олиши, яшаш тарзи ҳамда ўз ички дунёсини фаол тарзда ўзгартира олиши қаралади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, касбий етуклик деганда, нафақат ҳарбий-педагог кадрнинг педагогик фаолиятга дойр билим, кўникма ва малакаларининг юқори даражаси, балки ўзида қуйидаги таркибий қисмларни акс эттирувчи инсон психикасини йўналтиришнинг аниқ тизими тушунилиши керак:

1. Инсоннинг фаолият субъекта сифатидаги ўзига хос хусусиятлари:

<sup>1</sup> Бим-Бад Б.М., Петровский А.В. Образование в контексте социализации // Ж. Педагогика. - М.: 1996. - № 1. - С. 5.

<sup>2</sup> Арзикулова Д.Н. Касбий камолотнинг психологик узига хос хусусиятлари. Псих. фан. ном. ... дисс. автореф. - Т.: 2002.

<sup>3</sup> Митина Л.М., Кузьменкова О.В. Психологические особенности внутриличностных противоречий учителя //Ж. Вопросы психологии. - М.: 1998. - № 3. - С. 3-16.

а) ижтимоий йўналтирилган мотивларга эгаллик;  
б) ташки оламга, одамларга, фаолиятга муносабат;  
в) ўз-ўзига муносабат, ўз-ўзини йўналтира олиш хусусияти;  
г) индивидуалликнинг интеллектуал жиҳати;  
д) креативлик, унинг ўзига хосликлари ва намоён бўлиши;  
е) индивидуалликнинг ташкилий жиҳатлари (харакатларга тайёрлик, ижрочилик қобилияти);

ж) эмоционаллик, унинг ўзига хосликлари ва намоён бўлиши;

з) мураккаб қобилиятлар ҳақида тасаввурга эгаллик, мазкур соҳада касбий етукликка эришишга имкон берувчи шахсий сифатларни уйғунлаштириш;

и) касбий мулоқотда ўз ўрни ҳақидаги тасаввурга эгаллик.

2. Праксис касбий етуклик:

а) бошқаларга ўхшамаган ўзига хос жиҳатлари;

б) моторика (харакат, ҳаракатларни мувофиқлаштириш, статистика);

в) каебнинг фан соҳасига йўналган кўникма, малака, ҳаракатлар (ижрочилик жиҳати);

г) ташкилий, коммуникатив, ижтимоий-таъсирчан кўникма, малака, ҳаракатлар;

д) ахборотларни ўзлаштириш кўникмаси (ижрочилик жиҳат);

е) ўз - ўзини бошқара олиш.

3. Гнозис касбий етуклик:

а) бошқаларга ўхшамаган ўзига хос жиҳатлари;

б) ахборотни қабул қилиш: диққат, диққатнинг касбий хусусияти, ҳис қилиш ва идрок этиш, уларнинг касбий ўзига хосликлари;

в) ахборотни қайта ишлаш ва қарорлар қабул қилиш: хотира, унинг касбий ўзига хослиги, тасаввур ва унинг касбий ўзига хослиги, фикрлаш ва унинг касбий хусусияти, қарорлар қабул қилиш ва қарорлар қабул қилишнинг касбий ўзига хослиги;

г) гностик (билишга доир) кўникма, малака, ҳаракатлар: гностик ҳаракатларнинг хилма-хиллиги ва уларнинг касбий хусусияти.



4. Касбга дойр билим, тажриба, маданиятдан хабардорлик:

а) бошқаларга ўхшамаган ўзига хос жиҳатлари;

б) мутахассис унга эга бўлиш муҳим деб ҳисоблайдиган назарий билимлар соҳаси;

в) фан соҳаси, ўз фаолияти ва ҳаёти, меҳнат воситалари, муваффақиятга эришиш, ўзининг касбий ривожланиши шарт-шароитларига дойр касбий билимлари тизими.

5. Ходимнинг психодинамикаси (кечинмаларининг жадаллиги, уларнинг тезлиги ва алмашинуви), психологик қийинчиликлар, касбий фаолиятдаги зўриқишлар.

Ҳарбий-педагог кадрнинг касбий етуклиги - бу уларнинг юқори касбий натижаларга эришишигина эмас, балки психологик таркибий қисмлар - инсоннинг меҳнатга ички муносабати, унинг психик сифатларининг мавжуд кўрсаткичидир. Шунинг учун касбий етукликнинг икки жиҳатини ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) ҳарбий-педагог кадрнинг касбий етуклигининг мотивацион соҳасининг ривожланганлиги;

б) ҳарбий-педагог кадрнинг касбий етуклигининг ташкил и й соҳасининг ривожланганлиги.

Айнан мазкур касбий фаолият соҳаларнинг мавжуддик ҳолати мезонлари ҳарбий-педагог кадрнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш мезонларини аниқдашга имкон беради.

Мезон - муайян бир назария, таълимот, фан, дунёқараш ёки назарий дастурнинг асоси; инсоннинг эътиқоди, воқеликка бўлган муносабати ва хулқ-атвор меъёрларини белгилаб беради. Фалсафада мезон - бошланғич нуқта, бошқарувчи ғоя, хулқ-атвор, ўзини тутишнинг асоси сифатида қаралади. Мантикий маънода мезон марказий тушунча бўлиб, абстракция сифатида олинган ҳодисанинг барча соҳаларига татбиқ қилинувчи, умумлаштирувчи ватарқатувчи тизимнинг асосидир<sup>1</sup>.

Н.М.Боритко педагогик категория сифатида мезоннинг қуйидаги хусусиятларини кўрсатиб ўтади: бошқарувчи талаб-

лар; тарбиявий жараённинг қонуниятлари ҳамда зиддиятлари; эътиқод сифатида намоён бўлувчи ички бошқарувчи ғоя; маълум доирадаги ҳодиса ва жараёнларга нисбатан татбиқ этилиш; мезонлар гуруҳида ўзаро таъсирлашиш ва бир-бирини тўлдириш. Шундай қилиб, педагогик мезонлар - «педагог борлигининг доминанти, педагогик таъсир мавжудлигини таъминловчи фаолиятнинг мазмуни ва моҳиятини белгилаб берувчи қоидадир»<sup>1</sup>.

Н.Муслимов олиб борилган тадқиқотлар ғояларига таяниб, ўқитувчининг касбий шаклланиш йўли ва йўналишини белгилаб берувчи методологик ғоя ва қарашларни ажратиб олишга имкон берувчи инновацион салоҳиятни ривожлантирувчи қуйидаги мезонларни ажратиб кўрсатади:

1. Тарихийлик - предметни унинг ривожланиб бориш жараёнида ўрганиш. «Ҳар қандай ижтимоий фан объектни яхлит ва мажмуавий тарзда ўрганишни тарихий мезони асосида қарайди. Шунга кўра, тажикотчи объектнинг мавжуд ҳолати ҳамда истиқболдаги ролини баҳолайди.

2. Мантикийлик - ўрганилаётган объектни алоҳида, уни ўраб турган муҳитдан ажратиб олинган ҳолда эмас, балки айнан яхлит тизим сифатида қарашни кўзда тутаяди. Акс ҳолда, ушбу объектни ўрганиш натижалари тадқиқот маҳсули эмас, балки фақат маълум натижаларни қайд этишдан иборат бўлиб қолади.

3. Диалектик мезон - шахснинг ижтимоий муносабатларнинг фаол субъекти эканлиги тўғрисидаги\* етакчи фалсафий ғоялар янгича талқин қилиш натижасида тадқиқотлар мазмуни ҳам вақт ўтиши билан ўзгариб боради. Бу маънода диалектик мезон тарбиянинг етакчи мезони сифатида ўз даврининг устувор ижтимоий-маданий ғояларига йўнзлтирилади. Ғоялар мақсад, мазмун, метод ва тарбия натижаларига айлана бориб, педагогик жараённинг методологик асосини белгилаб беради.

<sup>1</sup> Боритко Н.М. Моделирование воспитательного процесса // Воспитательная деятельность: методология, содержание, технологии. Монограф. / Боритко Н.М., Воронцова Т.В., Герасев П.В. и др. / Под ред. В.А. Тятина. - Астрахань: Школа, 2001. - С.80.

<sup>1</sup> Философский энциклопедический словарь. - М.: Энциклопедия, 1989.

4. Ўқитувчининг шахсий ва касбий ривожланиши ўз имкониятларини рўёбга чиқариш жараёни, ижодкорлик эса касбий фаолиятини лойихалашга бўлган объектив эҳтиёж сифатида қаралади. Ўқитувчининг касбий тайёргарлик жараёнини индивидуал лойихалаш ғоялари касбий-педагогик таълимнинг объектив етакчи мезони бўлиб қолмоқда<sup>1</sup>.

Н.М.Эгамбердиева ижтимоийлаштириш билан боғлиқликда ўқитувчининг инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг тўрт - ижтимоийлашув мослашувчанлик, психологик мослашувчанлик, коммуникатив мослашувчанлик ва касбий етуқлик мезонини ажратиб кўрсатган. Мазкур мезонлар куйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади:

1. Ижтимоийлашув мослашувчанлик: 1) ўқитувчининг ижтимоий мақоми, ижтимоий роли ва ижтимоий функциялари ҳақидаги тасаввурлари; 2) ўз ижтимоий вазифасини англаши; 3) ўқув, педагогик ва ижтимоий фаолиятнинг хилма-хил турларида иштирок этиши; 4) ижтимоий талабларни бажариш; 5) касбий-ролли хулқ-атворга эгаллиги; 6) шахсий ва касбий ўз-ўзини англаши.

2. Психологик мослашувчанлик: 1) ижтимоий талаб ва ҳаракатларнинг бирлиги; 2) мотив, қадрият, эҳтиёж ва бошқаларнинг касбий зарурияти ҳамда уларнинг ривожланиши.

3. Коммуникатив мослашувчанлик: 1) инсонлар билан мулоқотни йўлга қўйиш ва сақлаб тура олиш кўникмаси; 2) эмпатия ва қайғура олиш қобилияти; 3) меҳнат жамоасида ижобий ахлоқий-психологик муҳитни йўлга қўйишга интилиши; 4) ҳамкасблар билан инсонпарварлик, демократик ўзаро муносабатларни йўлга қуйиши.

4. Касбий етуқлик: 1) педагогик касби ва фаолиятига ижобий муносабат; 2) педагогик касбига қадриятли муносабат; 3) танланган касбдан қониқиш ҳисси; 4) касбий-ахлоқий сифатларнинг мавжудлиги; 5) педагогик рефлексиянинг намоён бўлиши; 6) ўз-ўзини бошқара олиш; 7) касбий билим олишга интилувчанлик; касбий муҳитни муваффақиятли эгаллаш;

<sup>1</sup> Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Педагогика фанлари доктори.... дисс. - Т.: 2007. - Б. 31-32.

8) бор кучини сарф этишга тайёрлик; 9) савияси ва маънавий эҳтиёжларининг кенглиги; 10) педагогик мулоқотчанлик; 11) ижодий ёндашувчанлик; 12) касбий-педагогик кўникмаларни узлуксиз такомиллаштиришга тайёрлик<sup>1</sup>.

М.Жуманиёзова малака ошириш жараёнида тарих фани ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш билан боғлиқликда инновацион салоҳиятни ривожлантиришнинг куйидаги мезонларини таклиф этади:

- ижодий фаолият фалсафасини эгаллашга интилиш;
- педагогик тадқиқот методларини эгаллаш;
- муаллифлик концепцияларини яратиш қобилияти;
- тажриба-синов ишларини режалаштириш ва амалга ошира олиш;
- ўзидан бошқа тадқиқотчи-педагоглар тажрибаларини қўллаш олиш;
- ҳамкасблар билан ҳамкорлик;
- фикр алмашиш ва методик ёрдам кўрсата олишлик;
- зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
- янгиликларни излаб топиш ва уларни ўз шароитига мослаштириб бориш; бажарилиши лозим бўлган ишнинг мақсадини аниқлай олиши;
- ностандарт вазиятларни таҳдил этиб, тезкор хулосалар чиқара билиши;
- ўқув-тадқиқот жараёни билан боғлиқ масалаларни ечиш усулларини эгаллаганлиги;
- муаммоларни ҳал этишнинг мақбул восита ва усулларини излаб топиш, кузатиш ва тажриба натижаларини тизимлаштириш;
- ўз устида мустақил ишлашни режалаштира олиши;
- ўз иши натижасини назорат ва таҳдил қила олиши;
- янги ахборот технологияларидан фойдаланиш малакасининг мавжудлиги;

<sup>1</sup> Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида талбаларни шахсий ҳамда касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиети (Педагогика олий таълим муассасалари мисолида). Педагогика фанлари доктори. ... дисс. - Т.: 2010. - Б. 28-29.

- янги ғояларни излаб топа олиши, педагогик масалаларни алгоритмлаштириш малакасига эгаллиги<sup>1</sup>.

Юқорида таҳлил этилган мезонлар асосида биз ҳарбий-педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг объектив, субъектив, жараёнли, натижавий, микдор ва сифат мезонларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Қуйида уларга алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтамиз.

1. Объектив мезонлар ҳарбий-педагог кадрнинг янгиланаётган ижтимоий талабларга қанчалик мувофиқлигини аниқдаб беради. Қуйилаётган талаблар ва ўзгаришлар билан боғлиқда ҳарбий педагог таълим-тарбия жараёнини ташкил эта олиши ҳамда белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажара олиши лозим.

2. Субъектив мезонлар ҳарбий педагогнинг таълимдаги янгиланишларга қизиқиши, мотивацияси, эҳтиёжлари, интилишларининг касбий фаолият билан боғлиқ талабларга қанчалик мос келишини аниқлашга имкон беради. Ҳарбий педагог педагогик янгиланишларни ўзлаштириш, амалиётга жорий этишга ички қизиқиш, эҳтиёж ва мотивларни ўзида таркиб топтириши лозим.

3. Жараёнли мезонлар ҳарбий педагогнинг дидактик ва тарбиявий инновацион ғоялардан ўз касбий фаолиятида қанчалик самарали фойдаланаётганлигини аниқлашга имкон беради. Мазкур мезон ҳарбий педагог ўз касбий фаолиятида дидактик **ва** инновацион ғоялардан фойдалана олиши, педагогик фикрлай олиши, педагогик эмпатия эга бўлишини талаб этади.

4. Натижавий мезонлар ҳарбий педагог таълимий инновацияларни амалиётга жорий этиш орқали курсантларнинг ДТС доирасида билим, кўникма **ва** малакаларга эга бўлиши, мустақил ва ижодий фикрлашларига эриша олганлигини баҳолаш имконини яратади. Натижавий мезоннинг муҳим кўрсаткичи курсантларнинг шахсий ва касбий ривожланишларидаги сифат ўзгаришларига эришишда намоён бўлади.

Жуманиёзова М.Т. Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг педагогик асослари (тарих фани ўқитувчилари мисолида). Педагогика фанлари номзоди.... дисс. - Т.: 2007. - Б. 22.

5. Микдор ва сифат мезонлари Микдор мезонлари кўрсаткичлари ҳарбий педагог рейтингининг ошиши, лавозимнинг кўтарилиши кабиларда акс этса, сифат мезонлари ўқув фаолиятининг тизимлилиги, чуқурлиги, фикрлаш жараёнларининг тезлиги ва барқарорлигида уз аксини топади.

#### **4. Тизимли ёндашув асосида ҳарбий педагог-кадрларнинг малакасини ошириш жараёнини такомиллаштириш**

Бугунги кунда мутахассис шахсеини яхлит тарзда шакллантиришга қўйиладиган талаблар, айниқса, ҳарбий педагог-кадрларнинг касбий маҳоратларини такомиллаштиришда долзарб аҳамият касб этади. Негаки, ҳарбий педагог кадр ҳам офицер, ҳам ҳарбий билим юртида таҳсил олаётган курсант учун устоз сифатида гаудаланади.

Республикамизда ҳарбий педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларига кенг эътибор қаратилган. Бироқ фақат маълум вақт оралиғидаги қисқа курслар доирасида доимий равишда ўзгаришлар, янгиланишлар билан бойиб борадиган педагогик фаолиятнинг самарадорлиги тўлиқ таъминланмайди. Педагогик фаолиятда юзага келадиган янгиланганларни самарали ўзлаштиришнинг ва амалиётга жорий этишнинг муҳим воситаларидан бири ҳарбий педагог-кадрларнинг педагогик маҳоратини такомиллаштиришдир.

Ҳарбий олий таълим муассасаларидаги ҳарбий таълим-тарбия тизимида олиб борилаётган ислохотларда офицерларнинг педагогик маҳоратини такомиллаштириш асосий ўрин эгалламокда. Ҳарбий таълим-тарбия тизимида инновацион технологияларнинг доимий ўзгариб бориши, ҳарбий педагогнинг ўз фаолиятига бўлган нухтаи назарининг ва касбий педагогик маданиятига нисбатан қўйилган талабларнинг янгича ўзгаришига олиб келди. Ҳозирги даврда ҳарбий педагогдан ўз фаолияти, таълим-тарбия қонуният, тамойил ва методларини чуқур англаш, курсантларнинг шахе сифатида шаклланиши ва

уларнинг харбий тарбиясини самарали йулга кўйиш - бугунги куннинг мухим талабидир.

Маълумки, бугунги кунда замонавий педагогика фани методологияси педагогик жараёнга яхлит ходиса сифатида қараш, уни бир тизимда жойлашувчи алоҳида таркибий қисмлар бирлиги тарзида тушунишни талаб этади. Педагогик маҳорат ҳам яхлит педагогик жараённинг таркибий қисмларидан бири сифатида мазкур жараёнга тизимли ёндашувни талаб этади. Ана шу асосдан келиб чиқиб, энг аввало, «тизим», «тизимлилик», «тизимли ёндашув» тушунчаларининг моҳиятини аниқлаштириб олиш зарур. Чунки мазкур тушунчаларни тадқиқотчилар аксарият ҳолларда ўз тадқиқотларининг методологик асоси сифатида қайд этадилар.

Тизим (юнонча *зүлет*а - яхлит, қисмлардан таркиб топган, бириктирилган) муайян яхлитлик, бирликни ҳосил қилувчи, ўзаро таъсирлашув ва боғлиқликда бўлган кўплаб элементларни англатади. Тизим - тартибли равишда жойлашган ва ўзаро боғлиқликда бўлган қисмлар бирлигини ифодаловчи яхлитликдир<sup>1</sup>.

«Тизим» бу муайян таҳлитда тартибга келтирилган элементлар тўплами бўлиб, улар ўзаро боғлиқ ҳолатда, муайян яхлит бирликни ҳосил қилади.

«Тизимлилик» тушунчасини жараёнлар ва борликдаги ҳодисаларнинг тизим ҳосил қила олиши, тизимнинг мавжудлиги, моддий дунёнинг ҳамда уни билиш шакллариининг тизимли қурилишга эгаллиги каби ҳолатларни акс эттира олиши тўғрисидаги хулосага келиш мумкин<sup>2</sup>.

Тизимли ёндашув - илмий билиш ҳамда ижтимоий амалиёт методологиясининг йўналиши бўлиб, унинг асосида объектларни тизим сифатида қабул қилиниши ётади. Тизимли ёндашув тадқиқотчини объект яхлитлигини очиб беришга, унинг алоқалари турли типларини аниқлашга ҳамда уларни ягона

назарий кўринишга келтиришга йўналтиради<sup>1</sup>. Тизимли ёндашувнинг методологик ўзига хослиги унинг тадқиқотларни қуйидагиларга йўналтириши билан изоҳланади: объект яхлитлигини ва уни таъминловчи механизмларни очиб бериш; мураккаб алоқаларининг турли типларини аниқлаш ҳамда уларни ягона назарий кўринишга келтириш; шунингдек, объектнинг яхлитлик хусусиятларини, унинг тузилмаси ҳамда динамикасини белгилаш имконини берувчи мураккаб объект ўзаро боғланган моделларининг иерархик тизими тўғрисидаги тасаввурларни амалга оширади. Демак, тизимли ёндашувдан келиб чиқадики, мураккаб объект (тизим)нинг ўзига хослиги унинг таркибий қисмларининг алоҳида хусусиятларини инкор этмайди, аксинча, маълум бир таркибий қисмлар орасидаги алоқа ва муносабатларга дойр боғланишларни ҳосил қилади.

Яхлит тизимнинг асосий белгилари қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Яхлит тизимнинг асосий белгиси айнан тизимий интеграл ва уни ташкил қилувчи таркибий қисмларнинг жамоавий сифати (ёки сифатлари)нинг мавжудлигидир.

2. Яхлит тизимнинг ажралмас аломати унинг таркибий қисмлари, зеро, тизим улардан таркиб топади ҳамда усиз мавжуд бўла олмайди. Бирок таркибий қисмлар тасодифий объектларнинг йигмаси эмас. Улар тизим билан интеграциялашган, айнан ушбу тизимнинг таркиби ҳисобланади. Тизимнинг мақсадга мувофиқ фаолият кўрсатишини таъминлаш борасида уни тадқиқ қилиш, лойиҳалаш, таркибий қисмларини аниқлашга тизимли-тузилмавий ёндашув деб аталади.

Тизимли - тузилмавий (амалий, асосли) ёндашув объектнинг тузилиш хусусиятларини яхлит, таркибий қисмларга берилган вақт оралиги бўйича б)лакланган ҳолатда қараб чиқишни кўзда туттади.

3. Яхлит тизим - мақсадли тизим, у муайян мақсадни амалга оширишга интилади. Мақсад тизимда уни ҳосил қилувчи мухим омиллардан бири сифатида юзага келади. Бирок мақсад

<sup>1</sup> Муслимов Н. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Педагогика фанлари доктори.... дисс.-Т.: 2007, - Б. 70.

<sup>2</sup> Ўша манба. - Б. 71-72.

<sup>1</sup> Муслимов Н. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Педагогика фанлари доктори.... дисс. - Т.: 2007. - Б.75.

унга эришиш учун муайян ҳаракатларни амалга оширишни тақозо қилади. Тизимнинг муҳитда мақсадга эришиш учун амалга оширадиган ҳаракатлари айнан унинг функцияларини ташкил қилади. Функциялар мақсадга нисбатан унга эришиш усули сифатида юзага чиқади, Тизимнинг мақсадга эришиш учун муҳитдаги ўзини тутиши нуктаи назаридан тадқиқ қилиш ва лойиҳалашга тизимли-функционал ёндашув дейилади.

4. Ҳар қандай тизим ўзгармас, барча даврлар учун бир хил бўлиб қолмайди. У абсолют, абадий эмас, чунки қарама-қаршиликлар мавжудлиги унга ҳам хосдир. Ҳар бир тизим нафақат фаолият кўрсатади, балки, шу билан бирга ривожланади; у ўз ибтидосигага эга, у яралиш даврини ўтайди, таркиб топали ва ривожланади. Тизимлар назариясида тизимнинг яшаш вақти унинг асосий тавсифий белгиларидан бири ҳисобланади.

5. Тизимни унинг вақт бўйича ривожланиши нуктаи назаридан тадқиқ қилиш ва лойиҳалаш тизимли ёндашув деб аталади.

Тизимли ёндашув объектнинг юзага келиши, яралиши ҳамда таркиб топишини тизимли-генезис сифатида белгилаб беради.

6. Ҳар бир тизим ўз навбатида ўзидан юқори даражада турувчи метатизимнинг таркибий қисми саналади, шу каби у ўзидан қуйи даражада турувчи таркибий қисмлардан иборат. Бошқача қилиб айтганда, ҳеч бир тизим бошқаларидан изоляцияланмаган, балки кўплаб алоқалар билан бошқа турли тизимий ва нотизимий уюшмалар билан таъсирлашиб туради. Тизим ўзига нисбатан ташқи бўлган муҳитда ҳаракатда бўлади, ривожланади, у билан кўплаб коммуникациялар орқали боғланади. Тизимни унга нисбатан мавжуд бўлган бошқа тизимий ва нотизимий уюшмалар нуктаи назаридан ўрганишга тизимли-коммуникатив ёндашиш деб аталади.

7. Тизимга доимий равишда ўзида унинг тургунлигини бузишга қаратилган таъсирлар кўрсатиб турилади. Ушбу таъсир аввало ҳар қандай тизимнинг ичида мавжуд бўлган қарама-қаршиликлар оқибатида юзага келади. Шу билан бирга ресурслар етишмаслиги, қаттиқ чеклашлар каби ташқи салбий таъсир-

лар ҳам мавжуд. Бунга қарамадан тизим яшайди ва ривожланиб боради. Демак, ташкил этувчи қисмларнинг ўзига хос йиғмаси, ички тузилма ва бошқалар билан бирга бошқа тизим ҳосил қилувчи, тизимни ҳимояловчи омиллар ҳам мавжуд. Тизимнинг яшовчанлигини таъминловчи ушбу омилларга бошқарув дейилади<sup>1</sup>.

Бутунги кунда педагогика фанида ҳам тизимли ёндашув назариясидан муваффақиятли фойдаланилмоқда. Педагогик ходисаларни тадқиқ этишда тизимли ёндашишга дойр фундаментал фикрлар Т.А.Ильина, Ю.А.Конаржевская, Ф.Ф.Королев, Б.А.Резников, Н.Н.Азизходжаева, Ф.Р.Юзликаев, Н.А.Муслимов кабиларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Педагогик маҳоратни тизимли ёндашув нуктаи назаридан кўриб чиқиш гоёси эса, ХХ асрнинг 70-йилларида Ю.П.Азаров томонидан тадқиқ этила бошланган. Унинг фикрича, маҳорат тушунчаси ўзида қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади: технологияга дойр билимлар, уларни ривожланишига муносабат ва бошқара олиш; шахсий, жамоавий маънавий кадриятлар ҳақидаги билимлар ва уларни янги мазмун билан бойитиш кўникмаси; педагогик логика, педагогик техника ва педагогик такт, бундан ташқари ҳар бир педагогнинг бола тақдири билан қизиқиши<sup>2</sup>.

Ана шу асосдан келиб чиққан ҳолда, харбий педагогларнинг маҳоратини такомиллаштиришни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш лозим:

1. Педагог шахсининг инсонпарварликка йўналганлиги (унинг қизиқишлари, кадриятлари, идеаллари).

2. Қасбий билимлар (ўз фанини, унинг методикасини ҳамда педагогика ва психологияни билиш).

3. Педагогик қобилиятлар:

- коммуникатив (самимийлик, мулоқотчанлик);

<sup>1</sup> Муслимов Н. Қасб таълими уқитувчисини қасбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Педагогика фанлари доктори... дисс. - Т.: 2007. - Б. 77.

<sup>2</sup> Ворошилова В.П. Анализ и самооценка деятельности учителя с целью выявления педагогического мастерства // Актуальные проблемы управления образованием в регионе: Сб. материалов, вып. 1. / Под. ред. С.А.Решада, Г.Н.Серикова. - Челябинск, 1995. - С. 66.

- перцептив қобилиятлар (педагогик интуиция, эмпатия);
- шахе динамизми (иродалилиқ ва ишончга эгалиқ);
- эмоционал барқарорлиқ (ўз-ўзини назорат қила олиш);
- келажакни ёркин тасаввур эта олиш;
- ижодкорлиқ (ижод қилишга қобилиятлилик).

#### 4. Педагогик техника:

- ўз - ўзини бошқара олиш:
- педагогик вазифаларни ҳал этишда биргаликдаги ўзаро ҳаракат кўникмасига эгалиқ (дидактик, ташкилотчилик кўникмалари, ўзаро биргаликдаги ҳаракатга киришиш техникасини эгаллаш).

Мазкур тизимнинг муҳим омилларидан бири сифатида педагогнинг шахсий сифатлари (шахнинг йўналганлиги, қобилиятлари) юзага чиқади. Билим ва қонуниятларга асосланган техника барча воситаларнинг ягона мақсад йўлида таъсир кўрсатишига имкон беради.

В.М.Миндикану педагогик маҳоратни «умумлашган касбий кўникмаларни эгаллаш учун ўқитувчининг ўқувчиларга юқори даражада таълим ва тарбия беришига имкон берувчи илмий анланган ва фойдаланиладиган шахе хусусиятлари мажмуи» тарзида тушунишни таклиф этади. В.М.Миндиканунинг фикрича, педагогик маҳоратнинг асосий таркибий қисмларига қуйидагилар қиради: педагог шахси (унинг йўналганлиги), билимлари (касбий, назарий ва методик), педагогик қобилиятлари, педагогик техника ва педагогик технология<sup>1</sup>.

Бундан ташқари педагогик маҳоратнинг тузилишида педагогик тажриба ҳам ўз аксини топиши лозим. Ана шу нуқтаи назардан Г.И.Хозяинов педагогик маҳорат - бу «таълим, тарбия, маълумот ва шахе ривожланишига дойр вазифаларни яхлит тарзда ҳал этишда намоён бўлувчи билим, шахсий сифатлар ва педагогик тажрибалар асосидаги таълимий фаолиятни амалга ошириш санъати» эканлигини таъкидлаб ўтади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Миндикану В.М. Педагогическая техника и мастерство учителя. - Кишинев, 1991.

<sup>2</sup> Хозяинов Г.И. Педагогическое мастерство педагога. - М : «Знание», 1995.

Юқоридагилардан маълум бўладики, педагогик билим, педагогик тажриба ва шахсий сифатлар (айнан: касбий - педагогик йўналган шахе сифатлари) педагогик маҳоратнинг асосини ташкил этади. Педагогик маҳоратнинг моҳияти аниқ таълимий шароитларда зарурий натижаларга эришишга имкон берувчи таркибий қисм ва асосларни ижодий бирлашувига асосланган педагогик фаолиятни амалга оширишда намоён бўлади.

Ҳарбий педагогларнинг педагогик маҳоратини такомиллаштиришнинг асосий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда ўқитувчи фаолиятининг асосий тавсифи ва натижаларига асосланиб, тизимли ёндашув асосида педагогик маҳоратни такомиллаштиришнинг тўрт даражасини ажратиб кўрсатиш мумкин:

#### ***I. Бошланғич - репродуктив***

Касбий фаолият асосларини амалий ўзлаштириш.

Педагогик вазифаларни нестандарт тарзда ҳал этиш.

Педагогик фаолиятнинг барқарор бўлмаган сифат натижалари.

Етакчи фаолият - репродуктив.

#### ***/7. Ўрта - пробуктив***

Касбий кўникма ва малакаларни эгаллаш.

Ўз педагогик фаолиятида амалиётда мавжуд таълим ва тарбия усулларида фойдаланиш.

Педагогик вазифаларни қисман нестандарт тарзда ҳал этиш.

Педагогик фаолиятнинг алоҳида турларидаги самарали кўрсаткичлар.

Етакчи фаолият - продуктив.

#### ***III. Ўртача юқори - продуктив-ижодий***

Бир қатор юқори даражада ривожланган кўникма ва малакалар

Фанда маълум ва илгор тажрибадаги фаолият усулларида фойдаланиш, таълим-тарбиянинг янги шакл ва методларини излаб топиш.

Педагогик фаолиятнинг барқарор сифат натижалари.

Етакчи фаолият - продуктив-ижодий.

**IV. Юқри - иждодий даража**

Юқори даражада ривожланган касбий кўникмалар тизими.

Фан доирасида ва яхлит тарздаги иждодий фаолият.

Педагогик фаолиятнинг ностандарт ва сифат кўрсаткичлари.

Янгиликларни излаб топишдаги самарадорлик.

Етакчи фаолият - иждодийлик.

Шундай қилиб, тизимли ёндашув нуктаи назаридан педагогик маҳорат - бу касбий фаолиятни мураккаб амалга ошириш ва унинг сифатли, ностандарт натижаларини қўлга киритишга дойр шахснинг яхлит ички хусусияти (шахснинг интегратив қобилияти). Мазкур жараёнда шахсий сифатлар, иждодкорлик, педагогик фаолият тажрибалари, педагогик малакалар педагогик маҳоратнинг муҳим таркибий қисмлари сифатида намоён бўлади.

1. Бугунги кунда мамлакатимизда муҳофаа вазирлигининг Тошкент олий умумқўшин командирлари, Самарканд олий штомобилчи командир-муҳандислар, Чирчиқ олий танк командир муҳандислар, Жиззах авиация олий ҳарбий билим юрларида, Тошкент ахборот технологиялари институтининг алоқа факультети, Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти, Ёнгин хавфсизлиги олий техника мактабида, округлардаги сержантлар тайёрлаш мактабларида Қуроли кучлар сафларига турли мутахассисликлар бўйича малакали кадрлар тайёрланмоқда. Бироқ республикамиз ҳарбий таълим тизимида ҳозирги кунда олий ҳарбий билим юрлари учун педагогик кадрлар тайёрловчи курс ёки қандайдир факультетлар мавжуд эмас. Бироқ Қуроли Кучлар сафларига турли мутахассисликлар бўйича малакали кадрлар тайёрлаш олий ҳарбий билим юрти профессор-ўқитувчиларининг билим, кўникма ва малакаларини, умумий ва педагогик маданиятини мунтазам равишда ошириб бориш, янгиликларни доимий равишда ўзлаштириш, ўз педагогик фаолиятида уларни амалиётга жорий этиб бориш учун уларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришни муҳим вазифа сифатида шарт қилиб қўяди.

2. Инновацион салоҳият деганда, алоҳида педагогнинг ва яхлитликда педагогик жамоанинг янгиликни ўзлаштиришга тайёрлиги, улардан амалиётда фойдалана олиши ва қўлланган натижаларни қўлга кирита олиши тушунилади. Педагогика ва педагогик менежментда инновацион салоҳият тушунчаси икки хил тарзда талқин этилади: кенг маънода - таълим муассасасининг инновацион салоҳияти (бизнинг тадқиқотимизда олий ҳарбий билим юрлари), тор маънода - ўқитувчи (ҳарбий педагог-кадрлар)нинг инновацион салоҳияти. Олий ҳарбий билим юрлари инновацион салоҳияти деганда, унинг ўз-ўзини ривожлантиришга тайёрлиги, шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш учун маданий-таълимий муҳитнинг ва шарт-шароитлар-

нинг хилма-хиллиги ҳдмда коммуникатив муносабатларнинг юқори даражаси тушунилади. Алоҳида ҳарбий-педагог учун эса бу - унинг шахсидаги ижтимоий-маданий ва ижодий ўзига хосликлар йигиндиси, педагогик фаолиятни такомиллаштиришга тайёрлиги ҳамда бунинг учун зарурий ички восита ва методларнинг мавжудлигидир.

3. Ҳарбий педагог-кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришга таъсир курсатувчи омиллар сифатида эса кўйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

1) ҳарбий педагог-кадрларнинг ижод қилиши учун эркинликнинг такдим этилганлиги;

2) новатор педагогларни ресурслар билан таъминланишининг раҳбарият томонидан қўллаб-қувватланиши;

3) жамоада мунозара ва фикрлар алмашинувининг фаол йўлга қуйилганлиги;

4) касбий компетентликни ривожлантиришга иштиёқнинг рағбатлантирилганлиги;

5) педагогнинг ўз-ўзини ривожлантириши учун имкониятларнинг такдим этилиши;

6) юқори даражадаги ахборий таъминотнинг йўлга қуйилганлиги;

7) ўзгаришлар аргументациясининг асосланганлиги;

8) жамоада ишонч ва ўзаро бир-бирига ёрдам бериш жараёнининг қўллаб-қувватланиши.

4. Ҳарбий-педагог кадрларнинг инновацион салоҳиятининг ривожланганлик даражасини аниқлашда қуйидаги мезонларга асосланиш мақсадга мувофиқ:

1) янги ахборотни ижобий-танқидий идрок эта олиш;

2) умумий ва касбий билимларни доимий бойитиб бориш;

3) янги рақобатбардош гоёларни олга суриш;

4) ностандарт топшириқларни ҳал этиш ва анъанавий топшириқларни бажаришнинг янги методларини излаб топиш;

5) янгиликни амалга ошириш учун мавжуд билимлардан тўла фойдалана олиш.

5. Бизгача амалга оширилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, биз ҳарбий-педагог кадрларнинг инновацион салоҳия-

тини ривожлантиришнинг объектив, субъектив, жараёнли, натижавий, микдор ва сифат мезонларини аниқлашга эришилди.

6. Бугунги кунда замонавий педагогика фани методологияси педагогик жараёнга яхлит ҳодиса сифатида қараш, уни бир тизимда жойлашувчи алоҳида таркибий қисмлар бирлиги тарзида тушунишни талаб этади. Педагогик маҳорат ҳам яхлит педагогик жараённинг таркибий қисмларидан бири сифатида мазкур жараёнга тизимли ёндашувни талаб этади. Ана шу асосдан келиб чиққан ҳолда, ҳарбий педагогларнинг маҳоратини такомиллаштиришни педагог шахсининг инсонпарварликка йуналганлиги, касбий билимлар, педагогик қобилиятлар ва педагогик техникани яхлит тарзда ўзлаштириши йўналишларда амалга ошириш лозим.



### Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар - тараққиёт омили. - Т.: «Ўзбекистон», 1995. - 24 б.
2. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. - Т.: «Ўзбекистон», 1997. - 138 б.
3. Каримов И.А. Миллий армиямиз - мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир. - Т.: «Ўзбекистон», 2003. - 30 б.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: «Маънавият», 2008. - 173 б.
5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: «Ўзбекистон», 2009. - 56 б.
6. Баркамол авлод орзуси / Тузувчилар Ш.Курбонов, Ҳ.Саидов, Р.Ахлиддинов. Нашр учун масъул: Т.Рискиев. - Т.: «Шарқ НМК Бош таҳририяти», 1999. - 182 б.
7. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: «Ўзбекистон», 1997. - 62 б.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» / Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: «Шарқ нашриёт-матбаа концерни». 1997. - 20-29 б.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни (1997 йил 29 августда қабул қилинган / Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: «Ўзбекистон», 1997. - 31-61 б.
10. Абдуллаев Ю. Жаҳон олий мактаби: киёсий таҳлил / Масъул муҳар. С.С.Ғуломов. - Т.: «Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 2001. - 288 б.
11. Абдуллаев Ю.Н. Хорижий олий таълимнинг ижтимоий-педагогик хусусиятлари: тажриба ва тараққиёт тамойиллари: Пед.фанл.докт.... дисс. - Т.: 2000. - 310 б.
12. Абдуллажонов М.А. Формирование профессиональных качеств будущего учителя в процессе обучения в педвузах. Автореф.дисс.... канд.пед.наук. - Т.; 1991. - С. 21.

13. Азизхўжаева Н.Н. Ўқитувчи тайёрлашнинг педагогик технологиям. - Т.: ТДПУ, 2000. - 52 б.
14. Ангеловский К. Учителя и инновации / Книга для учителя. Перевод с македонского В.П.Диденко. - М.: «Просвещение», 1991. - С. 158.
15. Андреев В.И. Педагогика творческого саморазвития. - Казань, КГУ, 1996. - С. 567.
16. Арзикулова Д.Н. Касбий камолотнинг психологик ўзига хос хусусиятлари. Псих.фан.ном. ... дисс. автореф. - Т.: 2002. - 22 б.
17. Ахмеджанов М.М. Диагностика подготовленности педагога к профессиональной деятельности. Автореф.дисс. ... канд.пед.наук. - Т.: 1994. - С. 23.
18. Бозоров Э.Б., Мусурмонова О.А. Ўқитувчи ижодкорлиги давр талаби. - Т.: «Ўқитувчи», 1991. - 64 б.
19. Военная психология. - СПб.: Питер, 2005. - С. 464.
20. Волчкова А.П. Управление инновационным процессом в современной школе: организационно-педагогический аспект: дисс. ...канд.пед.наук.-М.: 1999.-С. 188.
21. Вульф В.З. Учитель: профессиональная духовность //Ж. Педагогика. - М.: 1995. №2. - С. 48-52.
22. Голиш Л.В. Фаол ўқитиш усуллари: мазмун танлаш, амалга ошириш. Экспресс қўлланма. - Т.: ТАСИС, 2001. - 38 б.
23. Гулбоев А. Педагогик таълим воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш. - Т.: «Ғап уа lexpologiya» нашриёти, 2009. - 112 б.
24. Жуманиёзова М.Т. Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг педагогик асослари (тарих фани ўқитувчилари мисолида. - Т.: 2007. - 158 б.
25. Зокиров И.И. Таълим жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этишнинг назарий-амалий асослари. Пед. фанл.номз.... дисс. - Т.: 2005. - 126 б.
26. Ибрагимова Г.Х. Ўзбек халқ миллий анъаналари воситасида муҳандис ўқитувчиларни касбий педагогик тайёрлаш. Пед.фан.иом. ... дисс. - Т.: 1996. - 146 б.

27. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари / Мухаррир Р.Ж.Ишмухаммедов. - Т.: ТДПУ, 2004.-44 б.
28. Инновационные центры повышения квалификации / сост. Е.Е.Крашенинников. - М.: «Эврика», 2003. - 136 с.
29. Ишмухаммедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари / Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультета тингловчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун услубий тавсиялар. - Т. : Низомий номидаги ТДПУ, 2004. - 44 б.
30. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С. Илгор педагогик технологиялар. - Т.: «Ўқитувчи», 2004. - 101 б.
31. Йўлдошев Ж.Ф. Хорижда таълим. - Т.: «Шарк нашриёт-матбаа концерни», 1995. - 96 б.
32. Йўлдошев Ж.Ф. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари (ёхуд ўқитувчи бўлиш осонми?) - Т.: «Ўқитувчи», 1998.-207 б.
33. Зуфаров Ш. Таълим муассасаларига инновацияларни жорий этиш тизимини такомиллаштириш - педагогик муаммо сифатида // Формирование интеллектуального, творческого и духовного потенциала личности обучающихся в современных условиях. Сб.науч-мет.стат. в 24 частях. Ч. 6, - Т.: 2009.
34. Кларин М.В. Инновации в мировой педагогике: обучение на основе исследования / М. В. Кларин. - Рига: Эксперимент, 1995.-С. 145.
35. Малака ошириш жараёнида интерфаол усуллар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари /Тузувчи: Д.Хидоятлова. - Т.: «А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ», 2007. - 48 б.
36. Мардонов Ш.К. Янги таълимий кадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. - Т.: «Фан», 2006. - 232 б.
37. Маркова А. Н. Психология труда учителя / Кн. для учителей. - М. : «Просвещение», 1993. -С. 190.
38. Мастерство и личность учителя / Пассов Е.И. и др. - М.: Флинта-Наука, 2001. - С. 240.
39. Маъмуров Б.Б. Ўқувчи шахсига йўналтирилган ўқувбилув жараёнини ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитлари. Педагогика фанлари номзоди. ...дисс. Автореф. - Т.: 2009. -25 б.
40. Митина Л.М. Учитель как личность и профессионал (психологические проблемы). - М.: «Дело», 1994. - С. 215.
41. Муслимов Н. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Педагогика фанлари доктори.... дисс. - Т.: 2007.
42. Мустақиллик: изохли илмий-оммабоп лугат //Муаллифлар: М.Абдуллаев ва бошқ. А.Жалолов ва Х.Хоназаров умум.таҳ. остида. - Т.: «Шарк нашриёт-матбаа концерни», 2000. - 320 б.
43. Насриддинов Ч.Р. Харбий психология ва педагогика. - Т.: «Тағалат», 2005.
44. Никишина И.В. Инновационная деятельность современного педагога в системе общешкольной методической работы / И.В.Никишина. - Волгоград: «Учитель», 2007. - 182 с.
45. Нуридинов Б. Касб таълими ўқитувчиларини малакасини оширишда фаол ўқитиш методларидан фойдаланишнинг илмий- педагогик асослари. Пед. фанл.номз.... дисс. автореф. - Т.:2002.-21 б.
46. Очилов.М. Муаллим - қалб меъмори. - Т.: «Ўқитувчи», 2001.-429 б.
47. Очилов М., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. - Т.: «Ўқитувчи», 1997.-132 б.
48. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. - Қарши: «Насаф», 2000. - 79 б.
49. Педагогика назарияси ва тарихи. Педагогика назарияси. 1-қисм / Олий таълим муассасалари учун дарслик. М.Х.Тохтаходжаева ва бошқ. - Т.: «1я(180с1-тоНуа)», 2007. - 379 б.
50. Психология /Қисқача изохли лугат. - Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 1998. - 46 б.
51. Сотиболдиев А., Каримжонов А. Харбий педагогика. - Т.: «Шарк», 2005.-256 б.

52. Слостенин В.А. Формирование профессиональной культуры учителя /Учебное пособие. - М.: «Прометей», 1993. - 177 с.

53. Таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Семинар тренинг материаллари (тренерлар учун кўлланма) - Т.: ЎМКХТМ, 2002.- 181 б.

54. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: на-зария ва амалиёт / Монография. - Т.: «Фан», 2005. - 205 б.

55. Турғунов С. Умумий ўрта таълим мактаби директорларини бошқарув фаолиятининг назарий асослари: Педагогика фанлари доктори.... дисс. - Т.: 2007.

56. Фалсафа. Қисқача изоҳли лўғат // Масъул муҳарир. А.Жалолов. - Т.: «Шарқ нашриёт-матбаа компанияси» Бош таҳририяти, 2004. - 383 б.

57. Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури: педагогик илмий тадқиқот муаммолари ва йўналишлари. - Т.: «Фан», 1999. - 193 б.

58. Ғозиев Э. Психология. - Т.: «Ўқитувчи», 1994. - 222 б.

59. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси / Дорилфунунлар талабалари учун кўлланма. - Т.: «Ўқитувчи», 1990. - 184 б.

60. Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х., Ҳайдаров М., Ҳасанбоева О., Усманов Н. Педагогика фанидан изоҳли лўғат. - Т.: «Ғап \a lexpolo§1ya» нашриёти, 2008. - 475 б.

61. Ҳошимов К., Иномова М., Нишонова С, Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. - Т.: «Ўқитувчи», 1996. - 447 б.

## МУНДАРИЖА

|   |    |
|---|----|
| Сўз боши.....   | 3  |
| Инновацион салоҳият - ҳарбий педагог кадрларнинг малакасини ошириш омили сифатида .....                     | 6  |
| Ҳарбий педагог-кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш мазмуни, тузилиши ва ўзига хосликлари ..... | 22 |
| Ҳарбий педагог-кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш мезонлари .....                             | 25 |
| Тизимли ёндашув асосида ҳарбий педагог-кадрларнинг малакасини ошириш жараёнини такомиллаштириш .....        | 35 |
| <b>Хул</b> <b>оса</b> .....   | 43 |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар</b> .....   | 46 |

**КАРИМОВА МАХСУДА**

**ҲАРБИЙ-ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН  
САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – КАСБИЙ  
ЕТУКЛИК ОМИЛИ СИФАТИДА**

**(Методик қўлланма)**

**Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2010**

Муҳаррир: Г.Каримова  
Тех. муҳаррир: А.Мойдинов  
Мусахҳиҳа: М.Ҳайитова  
Компьютерда  
саҳифаловчи: Н.Валиханова

Босишга рухсат этилди 25.05.2010. Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
«Times New Roman» гарнитураси. Офсет усулида босилди.  
Шартли босма табағи 4,0. Нашр босма табағи 3,25.  
Тиражи 500. Буюртма №56.

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi»да  
чоп этилди.  
100003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.